УШБУ СОНДА:

3 МАЖБУРИЯТ: МУАММО ВА ЕЧИМ

МОНИТОРИНГМИ ЁКИ НОҚОНУНИЙ ТЕКШИРУВ?

МЕҲР КЎРСАТСАНГИЗ, МЕҲР КЎРАСИЗ

4 БАРБОД БЎЛГАН "РЕКЕТЧИЛИК"

Адолат ҳар ишда ҳамроҳимиз ва дастуримиз бўлсин!

ИНСОН ва ҚОНУН

№ 10 (366) 2004 йил 16 март сешанба

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

Сотувда эркин нархда

MEZON:

Истеъмолчининг ҳуқуқлари бузилиши туфайли унга етказилган маънавий зарар учун уни етказган шахс, башарти у айбдор бўлса, ҳақ тўлаши лозим. Маънавий зарар учун тўланадиган ҳақ миқдорини суд белгилайди.

Маънавий зарар учун ҳақ тўлаш мулкий зиён ва истеъмолчи кўрган зарарнинг ўрни қопланишидан қатъи назар, амалга оширилади.

"ИСТЕЪМОЛЧИЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА"ГИ ҚОНУН, 22-МОДДА.

Istiqlol va imkoniyat

ТАРАҚҚИЁТ ПОЙДЕВОРЛАРИ

Буюк келажак қуриш йўлини танлаган ўзбек халқи бу борадаги ишни пойдевор яратишдан бошлади. Мустақилликнинг илк йиллариданоқ мамлакатимизда улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Натижада диёримиз улкан қурилишлар майдонига айланди. Қисқа фурсат ичида осмонўпар биноолар, йирик иншоатлар, янги йўллар ва улкан кўприклар қуриб битказилди. Улар Соҳибқирон бобомиз Амир Темур таъбири билан айтганда, **мамлакатимизнинг улкан имконияти, куч-қудрати ва салоҳияти тимсолидир**.

Зеро, катта ҳажмдаги қурилиш ва бунёдкорлик ишларини улкан имкониятга эга бўлган мамлакатгина бажара олади. Ўзбекистон қисқа вақт ичида дунё миқёсида улкан имкониятлар мамлакати сифатида эътироф этилди. Улкан бунёдкорлик ишларини йўллар ва кўприклар мисолида ҳам кўриш мумкин. Маълумки, йўл ва кўприклар ўзаро борди-келди ва қўшни мамлакатлар билан ҳамкорлик қилишда муҳим аҳамият касб этган. Шу боис улар қадим-қадимдан тараққиёт ва ҳамкорлик шарти ҳисобланган. Бу омил ҳозирги пайтда ҳам ўз аҳамияти ва долзарблигини йўқотгани йўқ. Шу сабабли қисқа давр мобайнида мамлакатимизда Қамчиқ давони орқали Фарғона водийсини, Навоий — Учқудуқ—Султон Увайстоғ—Нукус темир йўли орқали шимолий минтақаларни юртимизнинг бошқа ҳудудлари билан боғловчи улкан йўлсозлик ишлари амалга оширилди. Ушбу йўлларни кўрган ҳар бир киши Ўзбекистонни буюк мўъжизалар мамлакатига қиёслаши табиий. Бу йўллар хориж мамлакатлари билан алоқа ўрнатиш имконини яратиш билан биргаликда халқимизнинг узоғини яқин қилиш, янги инфратузилма ва иш ўринларини вужудга келтириш, бир сўз билан айтганда, одамлар турмуши фаровонлигига хизмат қилмоқда. Мисол учун айтсак, жадал суръатда қурилаётган Ғузор—Бойсун—Қумқўрғон темир йўли ишга тушса, Афғонистон ва Эрон замини орқали Форс кўрфази портларига чиқиш имкониятига эга бўламиз. Қурилиши режалаштирилаётган Андижон—Ўш—Қашқар автомобил йўли ҳам диёримизни дунё билан боғлайди. Мамлакатимизни Устюрт орқали Қозоғистон, Россия ва Европа билан боғлайдиган 316 километрли Қўнғирот—Бейнов тезюрар автомобил йўли ҳам шундай муҳим аҳамиятга эга.

Ўтган ҳафта буюк бунёдкорлик ишларининг узвий давоми бўлган яна бир мўъжизавий иншоатлардан бири — Ҳозарасп тумани ҳудудида Амударё узра бунёд этилган кўприк фойдаланишга топширилди. Ушбу замонавий кўприк мамлакатимиз коммуникация тизимини тубдан ўзгартириши шубҳасиз. Чунки узунлиги 681 метрни ташкил этадиган бу замонавий кўприк бир кеча-кундузда ҳар икки томонга 14 тадан поезд, соатига мингта автомобилни ўтказиш имкониятини юзага келтирди. Ушбу ноёб лойиҳани амалга ошириш учун 33,5 миллиард сўм маблағ сарфлангани ҳам бу иншоатнинг мамлакатимиз ҳаётида нақадар катта ўринга эгалигидан далолат беради.

Бу эса Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганидек, **Урганч — Тошкент йўналишидаги поездларнинг йўлда юриш вақтини 5,5 соатга, масофани 300 километрга қисқартириш, илгари транзит учун ҳар йили тўланадиган бир миллион АҚШ долларини тежашга имкон беради.** Бундан ташқари, ушбу кўприк халқимиз, айниқса, Хоразм ва Қорақалпоғистон аҳолисининг оғирини енгил қилиши баробарида шу минтақадаги табиий заҳираларни ўзлаштириш, янги иш ўринлари ташкил этиш, бу ерда яшаётган одамларнинг ҳаётини фаровонлаштиришга ҳисса қўшади. Бошқача айтганда, у тараққиёт ва истиқболли ҳамкорлик йўлларини туташтиришга, шу орқали халқимиз манфаатларига хизмат қилади. Президентимиз таъбири билан айтганда, **ушбу муҳташам кўприк буюк келажак учун мустаҳкам пойдевор вазифасини ўтайди.**

ТАҲРИРИЯТ

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳайъат мажлисининг ҚАРОРИ

2004 йил 20 февраль — 9-сон — Тошкент шаҳри

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2004 йил 7 февраль куни Вазирлар Маҳкамасида бўлиб ўтган йиғилишдаги "2003 йил Республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари, иқтисодий ислоҳотларнинг боришини баҳолаш ҳамда 2004 йил иқтисодиётини янада эркинлаштиришнинг асосий йўналишлари тўғрисида"ги маърузасидан келиб чиқадиган адлия идораларининг вазифалари ҳақида

(КЎЧИРМА)

Тадбиркорларнинг, хорижий инвестиция иштирокидаги корхоналарнинг ҳамда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, шартномавий интизомини мустаҳкамлаш, қонунчиликни такомиллаштириш юзасидан амалга оширилаётган тадбирлар самарадорлигини ошириш, адлия идоралари олдида қўйилган вазифаларни бажарилишини тўлиқ таъминлаш мақсадида Адлия вазирлиги ҳайъати

ҚАРОР ҚИЛАДИ :

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2004 йил 7 февраль куни Вазирлар Маҳкамасида бўлиб ўтган йиғилишдаги "2003 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари, иқтисодий ислоҳотларнинг боришини баҳолаш ҳамда 2004 йилда иқтисодиётни янада эркинлаштиришнинг асосий йўналишлари тўғрисида"ги маърузасида белгиланган кўрсатмалар ижро учун қабул қилинсин.

Мазкур масала юзасидан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирининг ҳайъатда қилган маърузасидан келиб чиқувчи вазифаларнинг бажарилиши бўйича чора-тадбирлар режаси тасдиқлансин.

2. Қуйидагилар Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги ва вилоятлар адлия бошқармаларининг қишлоқ хўжалигидаги ислоҳотларни амалга оширишдаги асосий вазифаси этиб белгилансин:

ер фермер хўжаликларига фақат танлов асосида ажратиб берилишини, танлов ўтказилишида қонунчиликка қатъий риоя этилиши, у холисона ва объектив, барча манфаатдор шахслар хабардор қилинган ҳолда ўтказилиши, ер ўзининг ҳақиқий эгасига ажратилиши, ерларни қариндошуруғчилик, таниш-билишчилик асосида берилишига йўл қўйилмаслиги устидан қаттиқ назорат ўрнатиш;

ер ижараси шартномасининг қонуний тузилиши, уларда ерлардан мақсадли фойдаланишга қаратилган қоидаларнинг белгиланиши, шартномада белгиланган мажбуриятларнинг тўлиқ бажарилишини назоратга олиш;

фаолият кўрсатаётган фермер хўжаликларининг ер участкаларига бўлган ҳуқуқларини ижара шартномалари асосида қайта расмийлаштиришда ҳеч қандай қўшимча ҳужжатлар талаб қилинмаслигини, шунингдек, тўлов ва йиғимлар ундирилмаслигини, бу ишлар бепул давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилаётганлигини, қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларга риоя қилинаётганлигини текшириб бориш;

ерларни талон-тарож қилиш, ундан мақсадсиз фойдаланиш, белгиланган экин туридан бошқасини экиш ҳолатларига қарши қатъий чоралар кўриш.

2.1. ҳар бир туман бўйича ер ажратиш ва ердан фойдаланиш ахволини ўрганиш учун адлия бошқармаларининг битта ходими масъул этиб тайинлансин.

Ҳар бир ходим ўзига бириктириб қўйилган туман миқёсида қуйидагиларни:

Ер ресурслари давлат қўмитасининг хизматлари томонидан ишлаб чиқилган ер фондини қайта тақсимлаш лойиҳаси асосида тўлиқ ер участкаларининг танловга қўйилганлиги;

танловни ўтказишга тайёргарлик кўриш ва уни эълон қилишнинг қонунчиликда белгиланган тартибларига риоя қилинганлиги;

ер участкалари танловга уларнинг майдони, мазкур ер участкасига тўғри келувчи мулк улуши ва кредиторлик қарзлари аниқлангандан кейин қўйилганлиги;

танловнинг қонунчиликда белгиланган тартибда икки босқичда ва холисона ўтказилганлиги;

қайта ташкил этилаётган ширкат хўжалиги мол-мулкини баҳолаш ва сотишда, шунингдек, қайта ташкил этиш билан боғлиқ бошқа тадбирларни амалга оширишда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибларга риоя этилганлиги;

ер ижараси шартномасида белгиланган ердан мақсадли фойдаланишга оид мажбуриятларнинг бажарилиши;

экин турларини жойлаштириш тўғрисидаги вилоят ва туман ҳокимликларининг қарорларида давлат эҳтиёжлари учун маҳсулот етиштириш ҳажмининг Вазирлар Маҳкамасини тегишли қарорларига мувофиқ равишда белгиланганлиги;

қишлоқ хўжалиги маҳсулоти ишлаб чиқарувчилар билан тайёрловчи корхоналар ўртасида маҳсулот етиштириш юзасидан тузилган контрактация шартномаларининг ушбу қарорларга мувофиқ тузилганлиги;

тегишли мутахассисларни жалб этган ҳолда контрактация шартномаларида кўрсатилган экин турларининг ҳақиқатдан экилганлиги, ердан фойдаланишдаги ҳақиқий аҳволни яшириш, топширилаётган статистик ҳисоботлар кўрсаткичларини қалбакилаштириш устидан **доимий назорат қилиб борсин**.

Шартномада белгиланганидан бошқа экин турларини экканлик учун қонунчиликда белгиланган жавобгарликлар тўғрисида фермер хўжаликлари раҳбарлари ўртасида кенг тушунтириш ишлари олиб борилсин.

2.2. Белгиланганинки, ер ажратиш масалаларида суиистеъмолчиликка йўл қўйилган ҳолатлар хавфли жиноят деб баҳоланади.

Адлия вазирлигининг жойлардаги бошқармалари бошлиқлари:

қишлоқ хўжалиги соҳасидаги ислоҳотларга қарши чиқиб, суиистеъмолчиликка йўл қўяётган, қонунни ашаддий бузаётган ҳар бир айбдор мансабдор шахсни жиноий жавобгарликка бўлган жавобгарликка тортилиши таъминлансин, токи бошқа мансабдор шахслар ўзлари учун бундан жиддий хулоса чиқарсин;

суиистеъмолчилик ҳолати аниқланган ҳар бир факт юзасидан зудлик билан Адлия вазирига махсус хабар юборсин;

ерларни талон-тарож қилиш, ерлардан шартномада кўрсатилган мақсадларда фойдаланмаслик фактлари бўйича айбдор шахсларга нисбатан кўрилган чоралар ва улардан ундирилган моддий зарар бўйича суд жараёнлари телевидение ва матбуот орқали кенг жамоатчиликнинг эътиборига етказилсин.

3. Шартномавий-ҳуқуқий ишларни назорат қилиш бошқармаси **(Ш.Саидов)** вилоят адлия бошқармалари билан биргаликда:

фермер хўжаликлари билан қишлоққа хизмат кўрсатувчи ташкилотлар ўртасида, айниқса фермерларга минерал ўғитлар ва ёнилғи-мойлаш материаллари етказиб бериш юзасидан тузилган шартномаларнинг бажарилишини алоҳида назоратга олсин, шартнома интизомини бузилишида айбдор бўлган мансабдор шахсларга нисбатан энг қатъий чораларни кўрсин;

"Ўзбек ипаги", Агромашсервис, "Қишлоқхўжаликкимё", Пахтасаноат, Донмаҳсулот, Нефть маҳсулотлари компания ва уюшмалари тизими корхоналаридаги вазиятни чуқур ўрганиб, фермерлар ҳуқуқини поймол қилаётган идора раҳбарларидан тушунтириш олинишини, қўпол қонунбузарликка йўл қўяётган мансабдор шахсларни жиноий жавобгарликка тортилишини таъминласин.

4. Тадбиркорларнинг эркин фаолият юритишига тўсиқ бўлаётган муаммоларни доимий равишда аниқлаб бориш, мунтазам равишда қонунларни бузаётган ва қонунларни менсимайдиган мансабдор шахсларнинг жавобгарликка тортилишини таъминлаш адлия органларининг **энг муҳим вазифаси** эканлиги кўрсатиб ўтилсин.

4.1. Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари:

тадбиркорларнинг ўз маблағидан эркин фойдалана олиши, банкдаги ўз ҳисоб рақамидан нақд пул олишида муаммолар ва суиҳий тўсиқларга дуч келаётганлигини бартараф этиш мақсадида банк соҳасидаги қонунларнинг аниқ ва тўғри ишлашини назорат қилиб борсин, улар томонидан тадбиркорларнинг ҳуқуқи бузилишини олдини олиш чораларини кўрсин;

тадбиркорларни маъмурий ва молиявий жарималарга тортилишини қанчалик асослигини ўрганиб бориш, асоссиз равишда қўлланилган жарималарни бекор қилдириш ҳамда тадбиркорларга етказилган зарарни бевосита айбдор шахслардан ундирилишини таъминласин;

тадбиркорларга рўйхатдан ўтгандан кейинги рухсат бериш жараёнларини тубдан соддалаштиришга қаратилган Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 20 августдаги 357-сон қарорига сўзсиз риоя қилиниши устидан доимий назорат ўрнатсин. Режа асосида мунтазам равишда ҳокимликлар ҳузурида тузилган Инспекциялар фаолиятини ўрганиб, вужудга келган муаммоларни бартараф қилиб борсин. Янги ташкил бўлаётган барча тадбиркорларни мазкур Инспекциялар орқали "Текширишларни рўйхатга олиш Китоби" билан таъминланишини алоҳида назоратга олсин.

5. Ҳокимликлар томонидан хусусий мулкка тажовуз қилиб, тадбиркорларнинг ҳақиқий розилигисиз маблағини жалб қилиш ҳолатларига **бутунлай барҳам берилмагунча,** бу масала адлия идораларининг назоратидан олинмасин.

Тадбиркорларнинг маблағини ноқонуний жалб қилиш бўйича аниқланган ҳар бир ҳолат юзасидан хусусий мулкка тажовуз қилаётган айбдор мансабдор шахсларни жиноий жавобгарликка тортиш масаласини тегишли органлар олдига қўйсин, бундай фактларни республика телевидениеси орқали намойиш этсин.

(Давоми иккинчи бетда)

E`tirof

ФЕРМЕР БЎЛИБ КАМ БЎЛМАДИК

Иқтисодий ислоҳотларнинг қалдирғочлари бўлган фермерлар мулкчиликнинг янги шаклининг ибратли томонларини амалда кўрсатмоқда. Бугун фермерлар бирни икки қилиш, эл-юрт дастурхонини ноз-неъматларга тўлдириш ҳаракатида. Истиқлол туфайли мамлакатимизда фермерликни ривожлантириш учун тўлиқ ҳуқуқий асослар яратилгани кўнглимизни кўтариб, дадил ишлашга чоғлантирди.

1995 йилда дастлаб ўн гектар ер олиб иш бошлаган эдик.

Бугунги кунда фермер хўжалигимизда 343 бош чорва моллари боқиляпти. Шу жумладан, 125 бош сигирдан соғиб олинган сутни ўзимизнинг корхонамизда қайта ишлаш эвазига даромадимизга даромад қўшилди.

Бундан ташқари, корхонамизда қадоқланган сут, қатиқ, қаймоқ, музқаймоқ, пишлоқ каби 14 хил маҳсулот ишлаб чиқарилмоқда. Уларни сотиш учун вилоятимиздаги 50 дан ортиқ жамоа билан шартнома асосида алоқа ўрнатганмиз. Шу билан бирга Фарғона ва Наманган вилоятлари, Тошкен шаҳрига корхонамиз маҳсулотлари етказиб берилмоқда.

Фермер хўжалигимизда меҳнат қилаётган 115 нафар кишининг қозони қайнаяпти. Буни қарангки, агар бир литр сутни сотсак, 150 сўм бўлади. Мана шунча сутни қайта ишласак, харажатларни чегириб ташлаганимиздан 70-75 сўм фойда келяпти.

Бу билан айтмоқчиманки, бугун тадбиркорлик билан фаолият юритган киши албатта, фойда кўрмай қолмайди. Агар ўтган йил якунларига назар ташласак, ана шундай ҳаракатларимиз, меҳнатларимиз мевасини кўриш мумкин. Фермер хўжалигимизда етиштирилган ва аҳолидан сотиб олинган 750 тонна сутни қайта ишлаш ҳисобига 15 миллион сўм соф даромадга эга бўлдик. Бунга бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари сотишдан келаётган даромадни қўшганимизда ўтган йилдаги жами соф даромадимиз 39 миллион сўмни ташкил этади.

Етиштирилган буғдойни қайта ишлаш ҳам даромадимизга барака киритмоқда. Бир килограмм буғдойдан икки баробар даромад қилишга эришяпмиз. Агар ўтган йили 540 тонна буғдой ҳосили олган бўлсак, шундан 300 тоннасини давлатга сотдик. Ўзимизда қолган қисмини фермер хўжалигимиз тегирмонида унга айлантирдик. Буғдой унидан кондитер маҳсулотлари тайёрлаяпмиз. Бозор баҳосида ҳисоблайдиган бўлсак, 240 тонна буғдой 20 миллион сўмга айланади. Тегирмонда қайта ишланиб, кондитер маҳсулотига айлантириб сотилганида эса яна шунча даромад келмоқда. Ундан қолган кепак эса чорва моллари учун озуқа бўлмоқда.

Бир сўз билан айтганда, истиқлол берган имкониятдан фойдаланиб, фермер бўлиб кам бўлмадик. Ўтган йиллар "Ташаббус" кўрик-танловларида қатнашиб, вилоят ва мамлакат миқёсида биринчи ўриннни олиб, Президентимиз Ислом Каримов томонидан қўйилган мукофот — енгил автомашина олишга сазовор бўлдик.

Бизнинг фермерлик фаолиятимиз ва унинг орқасидан эл-юртга тегаётган нафимиз иқтисодиёт ривожига қўшаётган ҳиссамиздир. Кези келганда шуни айтиш керакки, адлия идоралари бизнинг ҳақ-ҳуқуқларимизни, манфаатларимизни ҳимоя қилишда ишончли мададкор, чинакам таянч бўлмоқда.

Эндиги орзуимиз, бугунги кундаги ўй-хаёлимиз — маҳсулотни экспортга сотиш. Ўйлайманки, бу орзуимиз ҳам рўёбга чиқади. Зотан, мамлакатимизда бу борада барча шарт-шароит ва қулайликлар яратилган.

Абдураҳмон БОЛТАБОЕВ,
Андижон туманидаги "Усмонҳожи" фермер хўжалиги раҳбари

Ajab savdolar

СУНЪИЙ ТЎСИҚ

У ҚАЧОН ОЛИБ ТАШЛАНАДИ?

Истиқлолнинг эркинлик сиёсати тадбиркорга кенг имконият яратиб берди. Бу имкониятдан фойдаланиб, Нукус шаҳрида яшовчи Зокир отанинг қизи Нигора ва қуёви Садриддин шаҳарнинг марказий бозор ҳудудидаги "Балиқхона" ошхонаси ва унга ёндош дўконни Қорақалпоғистон Республикаси Давлат мулк қўмитасининг 1993 йил 6 майдаги 2/52-сонли қарорига биноан хусусийлаштириб олди ва шу асосда мавжуд ошхона ва дўкон негизида "Суенли" хусусий корхонасини ташкил этди.

1997 йилда Садриддиннинг тўсатдан вафоти муносабати билан мазкур объектлар мерос сифатида Ўзбекистон Республикаси Олий суди қарорига кўра, Нигора Турсунбоева ва унинг икки нафар фарзандига ўтди. Шундай қилиб, давлат мулк қўмитасининг 1998 йил 20 февралдаги 2/65-сонли қарорига асосан, "Суенли" хусусий корхонаси жойлашган 477,87 квадрат-метр майдонга умрбод эгалик ҳуқуқи насланнаслга қолдириш шарти билан Нигора Турсунбоевага топширилди.

Тадбиркорлик ҳамиша ҳаракатни талаб қилади. Шунга кўра, Нигора Турсунбоева 1999 йилда Нукус шаҳар ҳокимлигига "Суенли" хусусий корхонаси майдонидаги марказий бозор ҳуснига доғ бўлиб турган бетон қўрғонларни олиб ташлаб, ўрнига савдо расталари қуриш режасини билдирди ва буни тегишли тартибда лойиҳалаштириб беришни сўради. Бироқ Нукус шаҳар бош меъмори П.Ешчанов негадир бу ёзма мурожаатга эътиборсиз қаради.

Бундай ҳолдан норози бўлган тадбиркор 2001 йилнинг 12 октябрида Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесига ушбу юзадан ёрдам беришини сўраб, ариза берди. Жўқорғи Кенгеснинг саноат, қурилиш, транспорт, энергетика, алоқа ва аҳолига хизмат кўрсатиш масалалари қўмитаси бошлиғи М.Шанхиевнинг жавоб хатида тадбиркорнинг минг чандон ҳақлиги таъкидлаб кўрсатилди ва Нукус шаҳар бош меъмори П.Ешчанов зиммасига ўн кунлик муддат ичида тегишли ҳужжатларни тайёрлаб бериш вазифаси топширилди. Аммо нима учундир шаҳар ҳокимлиги раҳбарияти ва бош меъмор ҳатто Жўқорғи Кенгес кўрсатмаларини ҳам бажаришни хушламади.

Шундан сўнг Нигора отасини ўз ёнига ишга таклиф этди. Орадан кўп фурсат ўтмай, 2002 йилнинг 12 апрелида 2504-сонли нотариал тасдиқланган ҳадя шартномаси билан ер участкаси, ошхона ва дўконлар мажмуига эгалик ҳуқуқини отаси Зокиржон Турсунбоевга топширди.

(Давоми иккинчи бетда)

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳайъат мажлисининг ҚАРОРИ

2004 йил 20 февраль 9-сон Тошкент шаҳри

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2004 йил 7 февраль куни Вазирлар Маҳкамасида бўлиб ўтган йиғилишдаги "2003 йил Республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари, иқтисодий ислоҳотларнинг боришини баҳолаш ҳамда 2004 йил иқтисодиётини янада эркинлаштиришнинг асосий йўналишлари тўғрисида"ги маърузасидан келиб чиқадиган адлия идораларининг вазифалари ҳақида

(КЎЧИРМА)

(Давоми. Боши биринчи бетда)

Тадбиркорларнинг маблағини ноқонуний жалб қилиш ҳолатларига нисбатан **эътиборсизлик қилиб, қатъий таъсирчан чоралар кўрмаганлик учун** шахсан адлия бошқармалари бошлиқлари жавобгар эканликлари тўғрисида огоҳлантирилсин.

5.1. Қорақалпоғистон Республикаси **(Д.Халмуратов)**, Жиззах **(Ҳ.Йўлдошев)**, Наманган **(Э.Иноятов)** ва Хоразм **(О.Каримов)** вилоятларида ҳокимликлар томонидан тадбиркорларнинг ҳақиқий розилигисиз маблағ жалб этиш бўйича аниқланган ҳолатлар юзасидан тадбиркорларнинг маблағини бевосита мансабдор шахслардан қайтариб бериш бўйича зарур чораларни кўрсин.

6. Белгилансинки, адлия идораларига келиб тушаётган **ҳар бир ариза ва шикоятлар** тўлиқ ва атрофлича, кўтарилган муаммоларни чуқур таҳлил қилган ҳолда ўрганилиши, берилган барча ваколатлардан фойдаланиб, зарур таъсир чоралари қўлланилиши ва масала қонуний ҳал қилиниши лозим.

6.1. Фарғона **(М.Файзиев)**, Хоразм **(О.Каримов)**, Сурхондарё **(Ч.Аллаёров)**, Жиззах **(Ҳ.Йўлдошев)** вилоятларида аризаларга ҳуқуқий тушунтириш бериш билан чекланилганлик амалиёти мавжудлиги кўрсатиб ўтилсин ва бошқарма бошлиқларидан аризалар билан ишлаш аҳволини тубдан ўзгартириш, уларни асоссиз бошқа идораларга юбориш ёки кўтарилган масалани тўлалигича ўрганмасдан жавоб бериш каби салбий амалиётга барҳам бериш талаб этилсин.

Тошкент шаҳри **(К.Камилов)**, Самарқанд **(А.Мардиев)**, Қашқадарё **(F.Сафаров)**, Андижон **(Р.Имомов)**, Сурхондарё **(Ч.Аллаёров)**, Навоий **(А.Холмўминов)** вилоятлари адлия бошқармалари ўтган йил келиб тушган ва ҳалигача ижрода бўлган аризаларни тўлиқ ҳал қилиб, **1 ҳафта муддатда** натижаси тўғрисида ахборот берсин.

Белгилансинки, ҳар бир ариза бошқарма бошлиқларининг назоратида бўлиши ва у охирига етказилмагунича назоратдан олинмаслиги лозим.

Ташкилий-назорат ва таҳлил бошқармаси **(А.Юсупов)** муддати бузилган ариза ва шикоятларнинг рўйхатини тузиб, ҳар битта ечимини топмаётган мурожаат юзасидан Адлия вазирига ахборот берсин.

Муддат: 2 (икки) ҳафта

7. Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари тегишли идораларга киритилган тақдимномаларнинг ижроси бўйича айбдор шахсларни қилмишига яраша муқаррар жавобгарликка тортилишини таъминласин, тадбиркорга етказилган ҳар қандай зарарни албатта ундириб бериш чораларини кўрсин, бу борада ҳеч қандай муросага берилмасдан, қатъий ҳаракат қилинсин.

7.1. Қорақалпоғистон Республикаси **(Д.Халмуратов)**, Қашқадарё **(F.Сафаров)**, Навоий **(А.Холмўминов)**, Бухоро **(И.Толибов)**, Тошкент **(Б.Атаматов)**, Сурхондарё **(Ч.Аллаёров)**, Хоразм **(О.Каримов)**, Наманган **(Э.Иноятов)**, Сирдарё **(Х.Файзиев)**, Андижон **(Р.Имомов)**, Фарғона **(М.Файзиев)** вилоят адлия бошқармалари томонидан киритилган тақдимномаларнинг ижросини таъминлаш, айбдор мансабдор шахсларни жавобгарликка тортишда;

Сирдарё вилояти адлия бошқармаси **(Х.Файзиев)** шартнома интизоми бузилиши ҳолатлари юзасидан тадбиркорларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклашда;

Сурхондарё вилояти адлия бошқармаси **(Ч.Аллаёров)** тадбиркорларни ноқонуний равишда маъмурий ва молиявий жавобгарликка тортиш тўғрисидаги қарорларни бекор қилиш, ноқонуний ундирилган жарималарни қайтариб бериш масаласида;

Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан **(Д.Халмуратов)** 2003 йилда ўтказилган ўрганишлар бўйича киритилган тақдимноманинг ижросини таъминлашда масъулиятсизликка ва сусткашликка йўл қўйилаётганлиги кўрсатиб ўтилсин.

Андижон, Наманган ва Тошкент вилоятларида асоссиз равишда тадбиркорларнинг маъмурий ва молиявий жарималарга тортиш каби қонунбузарликлар мунтазам содир этилаётганлигига вилоят адлия бошқармаси бошлиқларининг эътибори қаратилсин ва ушбу салбий ҳолатларни бартараф этиш юзасидан кечиктириб бўлмайдиган чоралар кўрилсин.

8. Тадбиркорларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш, уларга етказилган зарарни ундириб бериш, айбдор шахсларни жавобгарликка тортиш масаласида судларга даъво аризалари киритиш ҳуқуқидан самарали фойдаланиш лозим.

8.1. Хоразм **(О.Каримов)** ва Андижон **(Р. Имомов)** вилоятларида қонунсиз идораларида аниқланган қонунбузарлик ҳолатлари бўйича;

Хоразм **(О.Каримов)**, Навоий **(А.Холмўминов)**, Тошкент **(Б.Атаматов)** ва Сурхондарё **(Ч.Аллаёров)** вилоятларида солиқ идоралари томонидан содир этилган қонунбузарлик ҳолатлари бўйича;

Бухоро вилояти ҳудудида фермер хўжаликлари манфаатини кўзлаб, Наманган **(Э.Иноятов)** ва Навоий **(А.Холмўминов)** вилояти адлия бошқармалари томонидан минерал ўғитлар етказиб бериш юзасидан, Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги **(Д.Халмуратов)**, Навоий **(А.Холмўминов)** ва Фарғона **(М.Файзиев)** вилоят адлия бошқармалари томонидан нефт махсулотлари етказиб бериш юзасидан тузилган шартномалар бўйича мажбуриятларнинг бажарилмаганлиги ҳолати юзасидан;

Тошкент **(Б.Атаматов)** ва Фарғона **(М.Файзиев)** вилояти адлия бошқармалари томонидан фермерлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиб пахта хомашёси етказиб бериш бўйича, Бухоро **(И.Толибов)** ва Наманган **(Э.Иноятов)** вилоят адлия бошқармалари томонидан дон етказиш бўйича, Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги **(Д.Халмуратов)** томонидан эса мева-сабзовот етказиб бериш бўйича шартномалар юзасидан;

Жиззах **(Ҳ.Йўлдошев)**, Сурхондарё **(Ч.Аллаёров)** ва Наманган **(Э.Иноятов)** вилоятлари адлия бошқармалари томонидан содир этилаётган қонунбузарликларни бартараф этишда тадбиркорларга етказилган моддий ва маънавий зарарларни суд орқали бевосита мансабдор шахслардан ундириш масаласида **судларга даъво аризалари киритиш масаласида етарли чоралар кўрилмаганлиги қониқарсиз деб баҳолансин.**

8.2. Адлия бошқармалари томонидан судларга киритилаётган даъво аризаларининг асосли, юридик жиҳатдан бенуқсон ва мукаммал бўлиши учун **шахсан бошқарма бошлиқлари масъул** этиб белгилансин.

Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари судлар томонидан рад этилган ҳар бир даъво аризалари юзасидан доимий равишда Адлия вазирлигига ахборот бериб борсин.

9. Тадбиркорлар фаолиятини ноқонуний текширган ҳар қандай мансабдор шахс муқаррар жавобгарликка тортилиши шартлиги ҳақидаги топшириқ **адлия бошқармалари бошлиқларининг доимий назоратида** туриши ва бу борада қатъий чоралар кўрилиши лозимлиги таъкидлансин.

9.1. Қорақалпоғистон Республикаси, Қашқадарё, Самарқанд, Жиззах ва Навоий вилоятларида тадбиркорлар фаолиятини ноқонуний текшириш ҳолатлари кўпроқ содир этилаётганлигига, шунингдек аниқланган ноқонуний текширишлар ҳолатлари юзасидан айбдор мансабдор шахсларни лавозимидан озод қилинишини таъминлаш масаласида етарли чоралар кўрилмаганлигига адлия бошқармалари бошлиқларининг эътибори қаратилсин ва бундай ҳолатларга барҳам бериш бўйича қатъий чоралар кўриш талаб этилсин.

Адлия бошқармаси бошлиқлари **Ҳ.Йўлдошев** ва **А.Холмўминовлардан** ноқонуний текшириш ўтказган мансабдор шахсларни ишдан озод қилинишини таъминламаганлиги ҳолати юзасидан тушунтириш олинганлиги ҳам сабаб бўлмоқда.

Хусусан, фермер хўжаликларининг ер майдонига экинларни жойлаштириш ва ҳосилдорликни белгилашда турли номутаносибликлар мавжуд. Бунда таъмагирлик ва бошқа суиистеъмолликларга йўл қўйилиб, алмашлаб экиш меъёрлари ва ер балл бонитети кўрсаткичлари етарли эътиборга олинмаяпти. Бу эса кўпгина ҳолларда фермерни ўз шартномавий режасини бажара олмаслигига ва мажбуриятини бажармаганлиги учун жавобгарликка тортилишига, ҳатто ер майдонининг олиб қўйилишига ва фаолиятининг тугатилишига олиб келмоқда.

"Ўзпахтасаноат", "Ўздонмаҳсулот", "Ўзбек ипаги", "Ўзкимёсаноат", "Нефть маҳсулотлари", "Агромашсервис" компания ва уюшмалари тизими корхоналари томонидан фермерларнинг ҳуқуқи муттасил равишда қўпол бузиб келиняпти. Фермер хўжаликларининг етказиб берган маҳсулотига йиллаб ҳақ тўламаслик, моддий-техника ресурслари билан вақтида ва зарур миқдорда таъминламаслик, хизматлар кўрсатмаслик ҳолатлари содир бўлмоқда. Ушбу ташкилотларнинг қонун ҳужжатларини бузиши, аксарият ҳолларда, фермерларнинг давлат эҳтиёжлари учун маҳсулот етиштиришдаги моддий манфаатдорлигини йўққа чиқаряпти.

Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг жойлардаги бўлимлари қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етказиб бериш шартномаларини тузиш ва уларнинг бажарилиши устидан етарли мониторинг юритмаяпти. Айрим вилоят адлия бошқармалари томонидан шартнома интизомини бузаётган ташкилотларнинг мансабдор шахсларига нисбатан етарли таъсир чоралари кўрилмаяпти.

Мансабдор шахслар томонидан фермер хўжаликларига етказиб берадиган маҳсулоти учун бўнак маблағларини ажратишда, шунингдек, уларга моддий-техника ресурсларини ҳамда хизматларни кўрсатишда турли бюрократик тўсиқлар яратилмоқда. Улар томонидан фермерларга маҳсулот ва хизматларни олиш ва расмийлаштиришнинг мураккаб тартиблари жорий этилган бўлиб, бу фермернинг аксарият вақтини ушбу идораларда ўтказишга ҳамда оладиган моддий ресурслар ёки хизматлар учун пора беришга мажбур қилмоқда.

Таъминот ташкилотлари томонидан айрим қишлоқ хўжалик корхоналарига моддий ресурслар белгиланган меъёрдан ошиқча миқдорларда етказилмоқда, ушбу ресурслардан хўжасизларча фойдаланилмоқда, ҳатто улар томонидан ўзаро тил бириктирилиб, моддий ресурслар талон-тарож қилинмоқда. Ёки таъминотчи ва хизмат кўрсатувчи корхоналар томонидан етказилмаган моддий ресурслар, кўрсатилмаган хизматлар фермерлар ҳисобига ёзилиб, "сохта қарздорлик" вужудга келтирилмоқда. Бу эса етиштириладиган маҳсулот таннархининг сунъий равишда ошишига, хўжаликнинг йилни зарар билан якунлашига, охир-оқибат деҳқоннинг даромадсиз қолишига ва шартнома мажбуриятини бажармаганлиги учун жарима тўлашига сабаб бўлмоқда.

Айрим вилоятларда қайта ташкил этилган ширкат хўжаликларидаги фермерларни "бошқариш" учун "агрохизмат", "уюшма" ва бошқа шакллардаги ноқонуний бирлашмалар ташкил этилмоқда.

Вужудга келган ҳолат қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишга зарар етказяпти.

Қишлоқ хўжалиги соҳасидаги ушбу аҳвол Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида 2004 йил 27 февралда муҳокама қилиниб, адлия идоралари зиммасига қатъий вазифалар юклатилди.

Юқоридагиларга асосан,

БУЮРАМАН:

1. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Шартномавий-ҳуқуқий ишларни назорат қилиш бошқармаси, Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги ва вилоятлар адлия бошқармалари қишлоқ хўжалигидаги ислоҳотларни амалга оширишга қаратилган қонунчиликка амал қилиниши устидан қаттиқ назоратни амалга оширишни ўзининг асосий вазифаси деб ҳисобласинлар.

2. Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги ва вилоятлар адлия бошқармалари ер фермер хўжаликларига фақат танлов асосида ажратиб берилиши, танлов ўтказилишида қонунчиликка қатъий риоя этилиши, у холисона ва объектив ўтказилиши, ерларни қариндошуруғчилик, таниш-билишчилик асосида берилишига йўл қўйилмаслиги устидан қаттиқ назорат ўрнатсин.

Ер ажратиш масалаларида суиистеъмолчиликка йўл қўйилган ҳолатлар хавфли жиноят деб баҳолансин ҳамда айбдорларни муқаррар жавобгарликка тортиш чоралари кўрилсин. Айбдор шахсларни жиноий жавобгарлиги масаласини ҳал қилиш учун тегишли ҳужжатлар вилоят прокурорларига юборилсин ва назоратга олинсин.

Суиистеъмолчилик ҳолати аниқланган ҳар бир факт юзасидан зудлик билан Адлия вазирига махсус хабар юборилсин.

3. Ер ижараси шартномасининг қонуний тузилиши, уларда ерлардан мақсадли фойдаланишга қаратилган қоидаларнинг белгиланиши, шартномада белгиланган мажбуриятларнинг тўлиқ бажарилиши назоратга олинсин.

Ерларни талон-тарож қилиш, ундан мақсадсиз фойдаланиш, белгиланган экин туридан бошқасини экиш ҳолатларига қарши қатъий чоралар кўрилсин.

4. Ҳар бир туман бўйича ерлардан фойдаланиш аҳволини ўрганиш учун адлия бошқармаларининг битта ходими масъул этиб тайинлансин.

Ушбу маъсул ходим ўзига бириктирилган туман миқёсида ер ажратиш, ердан фойдаланиш ҳамда шартнома интизомининг бажарилиши бўйича ҳақиқий аҳволдан тўлиқ хабардор бўлиши ва берилган ваколатлар доирасида мавжуд вазиятни яхшилаш чораларини кўриши лозим.

5. Ҳокимликлар томонидан ер майдонига экинларни жойлаштириш ҳамда ҳосилдорликни белгилашда алмашлаб экиш меъёрлари ва ер балл бонитети кўрсаткичларини эътиборга олинганлиги, бу борада хўжаликлар ўртасида номутаносибликларга ёки таъмагирлик ва бошқа суиистеъмолликларга йўл қўйилмаслиги назоратга олинсин.

Ноқонуний қабул қилинган қарорлар бекор қилиниши ва фермер хўжаликларининг бузилган ҳуқуқлари тикланиши ҳамда суиистеъмолчилик ҳолатларига йўл қўйган айбдор шахслар жавобгарликка тортилиши лозим.

6. "Ўзпахтасаноат", "Ўздонмаҳсулот", "Ўзбек ипаги", "Ўзкимёсаноат", "Нефть маҳсулотлари", "Агромашсервис" компания ва уюшмалари тизими корхоналаридаги вазият доимий ўрганиб борилсин.

6.1. Бунда қуйидаги ҳолатларга:

- тайёрлов ташкилотлари томонидан ўз вақтида ва зарур миқдорда бўнаклар ажратилиши, хўжаликлар томонидан етказиб берилган маҳсулотлар учун муддатида ҳақини тўлаб берилиши;

- хизмат кўрсатувчи ташкилотлар томонидан шартномада белгиланган тартибда ва муддатларда минерал ўғитлар, ёқилғи-мойлаш материаллари етказиб берилиши, МТПлар томонидан тегишли хизматлар кўрсатилиши;

- хизмат кўрсатувчи ташкилотлар томонидан моддий ресурсларни қишлоқ хўжалик корхоналари ўртасида нотенг тақсимланиши, айрим хўжаликларга моддий ресурсларнинг белгиланган меъёрдан ошиқча миқдорларда етказилиши ҳамда улардан хўжасизларча фойдаланилиши ва талон-тарож қилинишига барҳам бериш чораларининг кўрилиши;

- фермер хўжаликларининг моддий ресурслар ва хизматларни олиши ҳамда уларни расмийлаштиришнинг мавжуд тартибини сунъий равишда мураккаблаштирилмаганлиги, турли бюрократик тўсиқларнинг бекор қилиниши;

- хизмат кўрсатувчи корхоналар томонидан етказилмаган моддий ресурслар, кўрсатилмаган хизматларни фермерлар ҳисобига ёзилиб, "сохта қарздорлик" вужудга келтирилмаслиги;

- фермер хўжаликлари ва оила пудратчиларининг шартнома мажбуриятини бажарилмаганлиги учун уларга жарима санкцияларини қўлланилишининг асослилиги;

- фермерларнинг шартномавий муносабатларга эркин киришиши ва ўз хўжалик фаолиятини мустақил бошқариш учун тўлиқ шарт-шароит яратиб берилганлиги, уларни "бошқариш" учун ноқонуний тузилмаларни ташкил этишнинг олди олинишига асосий эътибор қаратилсин.

6.2. Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 4 сентябрдаги 383-сон қарорига асосан, фермер хўжалигини контрактация шартномаларини бажармагани учун жавобгарликка тортишда хизмат кўрсатувчи ташкилотларнинг жавобгарлиги ҳам кўриб чиқилиши, улар айби билан хўжаликлар томонидан контрактация шартномалари бажарилмаганда, етказилган зарар ушбу ташкилотлардан ундирилиши, яъни жавобгарлик бевосита айбдор томонга юклатилиши маълумот учун қабул қилинсин.

6.3. Қонунчиликнинг бузилиши юзасидан аниқланган ҳолатлар бўйича бажарилиши мажбурий бўлган тақдимномалар киритилиб, идора раҳбарларидан тушунтиришлар олинсин.

Фермер хўжаликларининг ҳуқуқини қўпол равишда бузиб, етказиб берган маҳсулоти учун ҳақини бермаслик, ўз вақтида минерал ўғит ва ёқилғи-мойлаш материаллари етказиб берилишини таъминламаслик каби шартнома интизомини бузилишида айбдор бўлган мансабдор шахсларга нисбатан энг қатъий чоралар кўрилсин, токи бошқа мансабдор шахслар ўзлари учун бундан жиддий хулоса чиқарсин.

Зарур ҳолларда эса мансабдор шахсларнинг ҳаракатларида жиддий ҳуқуқий жавобгарликка тортиш аломатлари мавжуд бўлса, уларни жиноий жавобгарликка тортиш чоралари кўрилсин.

Айбдорларнинг шартнома интизомини бузиши оқибатида ҳар бир фермерга етказилган моддий зарар, бой берилган фойда, шунингдек, маънавий зарарни суд тартибида ундириш бериш таъминлансин.

7. Ўтказилган текширувлар, ерларни талон-тарож қилаётган, фермерлар ҳуқуқини паймол қилаётган айбдор шахсларга нисбатан кўрилган чоралар натижалари ва улардан ундирилган моддий зарарлар бўйича суд жараёнлари телевидение ва матбуот орқали кенг жамоатчиликнинг эътиборига етказилсин. Бу борада оммавий ахборот воситалари билан янада яқинроқ ҳамкорлик ўрнатилсин.

8. Ушбу буйруқнинг бажарилиши устидан жавобгарлик шахсан Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазири ва вилоятлар адлия бошқармалари бошлиқларига юклатилсин.

9. Мазкур буйруқнинг ижросини назорат қилиш Вазир ўринбосари Х.Содиқовга юклатилсин.

Адлия вазири
А. ПОЛВОН-ЗОДА

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирининг БУЙРУҒИ

15 март 2004 йил № 39-ум Тошкент шаҳри

Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни ривожлантиришга қаратилган қонун ҳужжатларининг ижросини таъминлаш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида

Қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилишга қаратилган қонунларнинг ижросини ўрганиш шуни кўрсатмоқдаки, жойлардаги айрим масъул мансабдор шахслар томонидан ислоҳотларни амалга оширилишига жиддий тўсқинликлар вужудга келтирилмоқда.

Фермер хўжаликларига ер ажратишда таниш-билишчилик, ошна-оғайнигарчилик ва таъмагирлик ҳолатларига йўл қўйилмоқда. Айниқса, қайта ташкил этилаётган ширкат хўжаликларининг ер майдонлари ҳамда мол-мулкини фермер хўжаликларига тақсимлашда маъсул шахслар томонидан хизмат вазифасини суиистеъмол қилиш, ҳужжатларни қалбакилаштириш каби қўпол қонунбузарлик ҳолатлари содир этилмоқда. Натижада ер майдонлари ҳақиқий эгаларига ажратилмаяпти, қишлоқда мулкдорлар қатламини шакллантириш тамойиллари бузиляпти.

Бундай усулларда ташкил этилган "сохта фермерлар" аксарият ҳолларда ерлардан фойдаланишда суиистеъмолликларга йўл қўймоқда, ажратилган ер майдонларидан мақсадсиз фойдаланиб, шартномада белгиланган экинларни экмаяпти, давлат эҳтиёжи учун маҳсулот етказиб бериш бўйича ўз мажбуриятларини бажармаяпти.

Айрим мансабдор шахслар томонидан экин ерлари ноқонуний равишда фуқароларга уй-жой қуриш ва томорқа учун пора эвазига ажратиб бериш йўли билан талон-тарож қилинмоқда. Бу эса ҳақли равишда қишлоқ аҳолисининг норозилигини келтириб чиқармоқда.

Ер ресурслари давлат кўмитаси ва унинг жойлардаги тизимлари фаолиятида аниқланган қонунбузилишлар юзасидан тегишли чора кўрмасдан, уларни таъмагирлик мақсадида яшириб келиш ҳолатлари мавжуд.

Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил январь ойида қишлоқ хўжалиги соҳасида банд бўлган тадбиркорлар орасида ўтказилган ижтимоий сўровда ҳам уларнинг аксарияти ер ажратишда унинг миқдори ва унумдорлигига қараб таъмигарликлар бўлганлигини, ер ажратиш муддатлари бузилганлигини, айрим мансабдор шахслар томонидан амалдаги қонунчиликда назарда тутилмаган ортиқча ҳужжатлар тақдим этилиши талаб қилинганлигини билдирдилар.

Адлия вазирлигининг жойлардаги ўрганишлари ва ер муносабатларига доир фермерлардан адлия идораларига келиб тушаётган шикоятлар ҳам ушбу соҳада қонунбузарликлар давом этаётганлигини кўрсатмоқда.

Таҳлиллар шуни кўрсатяптики, фермер хўжаликлари томонидан давлат эҳтиёжлари учун маҳсулот етказиб бериш юзасидан шартнома мажбуриятларини бажармасликларига аксарият ҳолларда маҳаллий хокимият идоралари, тайёрловчи, таъминотчи ва уларга хизмат кўрсатувчи идоралар раҳбарларининг маъсулиятсизлиги ҳам сабаб бўлмоқда.

Хусусан, фермер хўжаликларининг ер майдонига экинларни жойлаштириш ва ҳосилдорликни белгилашда турли номутаносибликлар мавжуд. Бунда таъмагирлик ва бошқа суиистеъмолликларга йўл қўйилиб, алмашлаб экиш меъёрлари ва ер балл бонитети кўрсаткичлари етарли эътиборга олинмаяпти. Бу эса кўпгина ҳолларда фермерни ўз шартномавий режасини бажара олмаслигига ва мажбуриятини бажармаганлиги учун жавобгарликка тортилишига, ҳатто ер майдонининг олиб қўйилишига ва фаолиятининг тугатилишига олиб келмоқда.

"Ўзпахтасаноат", "Ўздонмаҳсулот", "Ўзбек ипаги", "Ўзкимёсаноат", "Нефть маҳсулотлари", "Агромашсервис" компания ва уюшмалари тизими корхоналари томонидан фермерларнинг ҳуқуқи муттасил равишда қўпол бузиб келиняпти. Фермер хўжаликларининг етказиб берган маҳсулотига йиллаб ҳақ тўламаслик, моддий-техника ресурслари билан вақтида ва зарур миқдорда таъминламаслик, хизматлар кўрсатмаслик ҳолатлари содир бўлмоқда. Ушбу ташкилотларнинг қонун ҳужжатларини бузиши, аксарият ҳолларда, фермерларнинг давлат эҳтиёжлари учун маҳсулот етиштиришдаги моддий манфаатдорлигини йўққа чиқаряпти.

Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг жойлардаги бўлимлари қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етказиб бериш шартномаларини тузиш ва уларнинг бажарилиши устидан етарли мониторинг юритмаяпти. Айрим вилоят адлия бошқармалари томонидан шартнома интизомини бузаётган ташкилотларнинг мансабдор шахсларига нисбатан етарли таъсир чоралари кўрилмаяпти.

Мансабдор шахслар томонидан фермер хўжаликларига етказиб берадиган маҳсулоти учун бўнак маблағларини ажратишда, шунингдек, уларга моддий-техника ресурсларини ҳамда хизматларни кўрсатишда турли бюрократик тўсиқлар яратилмоқда. Улар томонидан фермерларга маҳсулот ва хизматларни олиш ва расмийлаштиришнинг мураккаб тартиблари жорий этилган бўлиб, бу фермернинг аксарият вақтини ушбу идораларда ўтказишга ҳамда оладиган моддий ресурслар ёки хизматлар учун пора беришга мажбур қилмоқда.

Таъминот ташкилотлари томонидан айрим қишлоқ хўжалик корхоналарига моддий ресурслар белгиланган меъёрдан ошиқча миқдорларда етказилмоқда, ушбу ресурслардан хўжасизларча фойдаланилмоқда, ҳатто улар томонидан ўзаро тил бириктирилиб, моддий ресурслар талон-тарож қилинмоқда. Ёки таъминотчи ва хизмат кўрсатувчи корхоналар томонидан етказилмаган моддий ресурслар, кўрсатилмаган хизматлар фермерлар ҳисобига ёзилиб, "сохта қарздорлик" вужудга келтирилмоқда. Бу эса етиштириладиган маҳсулот таннархининг сунъий равишда ошишига, хўжаликнинг йилни зарар билан якунлашига, охир-оқибат деҳқоннинг даромадсиз қолишига ва шартнома мажбуриятини бажармаганлиги учун жарима тўлашига сабаб бўлмоқда.

Айрим вилоятларда қайта ташкил этилган ширкат хўжаликларидаги фермерларни "бошқариш" учун "агрохизмат", "уюшма" ва бошқа шакллардаги ноқонуний бирлашмалар ташкил этилмоқда.

Вужудга келган ҳолат қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишга зарар етказяпти.

Қишлоқ хўжалиги соҳасидаги ушбу аҳвол Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида 2004 йил 27 февралда муҳокама қилиниб, адлия идоралари зиммасига қатъий вазифалар юклатилди.

Юқоридагиларга асосан,

БУЮРАМАН:

1. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Шартномавий-ҳуқуқий ишларни назорат қилиш бошқармаси, Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги ва вилоятлар адлия бошқармалари қишлоқ хўжалигидаги ислоҳотларни амалга оширишга қаратилган қонунчиликка амал қилиниши устидан қаттиқ назоратни амалга оширишни ўзининг асосий вазифаси деб ҳисобласинлар.

2. Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги ва вилоятлар адлия бошқармалари ер фермер хўжаликларига фақат танлов асосида ажратиб берилиши, танлов ўтказилишида қонунчиликка қатъий риоя этилиши, у холисона ва объектив ўтказилиши, ерларни қариндошуруғчилик, таниш-билишчилик асосида берилишига йўл қўйилмаслиги устидан қаттиқ назорат ўрнатсин.

Ер ажратиш масалаларида суиистеъмолчиликка йўл қўйилган ҳолатлар хавфли жиноят деб баҳолансин ҳамда айбдорларни муқаррар жавобгарликка тортиш чоралари кўрилсин. Айбдор шахсларни жиноий жавобгарлиги масаласини ҳал қилиш учун тегишли ҳужжатлар вилоят прокурорларига юборилсин ва назоратга олинсин.

Суиистеъмолчилик ҳолати аниқланган ҳар бир факт юзасидан зудлик билан Адлия вазирига махсус хабар юборилсин.

3. Ер ижараси шартномасининг қонуний тузилиши, уларда ерлардан мақсадли фойдаланишга қаратилган қоидаларнинг белгиланиши, шартномада белгиланган мажбуриятларнинг тўлиқ бажарилиши назоратга олинсин.

Ерларни талон-тарож қилиш, ундан мақсадсиз фойдаланиш, белгиланган экин туридан бошқасини экиш ҳолатларига қарши қатъий чоралар кўрилсин.

4. Ҳар бир туман бўйича ерлардан фойдаланиш аҳволини ўрганиш учун адлия бошқармаларининг битта ходими масъул этиб тайинлансин.

Ушбу маъсул ходим ўзига бириктирилган туман миқёсида ер ажратиш, ердан фойдаланиш ҳамда шартнома интизомининг бажарилиши бўйича ҳақиқий аҳволдан тўлиқ хабардор бўлиши ва берилган ваколатлар доирасида мавжуд вазиятни яхшилаш чораларини кўриши лозим.

5. Ҳокимликлар томонидан ер майдонига экинларни жойлаштириш ҳамда ҳосилдорликни белгилашда алмашлаб экиш меъёрлари ва ер балл бонитети кўрсаткичларини эътиборга олинганлиги, бу борада хўжаликлар ўртасида номутаносибликларга ёки таъмагирлик ва бошқа суиистеъмолликларга йўл қўйилмаслиги назоратга олинсин.

Ноқонуний қабул қилинган қарорлар бекор қилиниши ва фермер хўжаликларининг бузилган ҳуқуқлари тикланиши ҳамда суиистеъмолчилик ҳолатларига йўл қўйган айбдор шахслар жавобгарликка тортилиши лозим.

6. "Ўзпахтасаноат", "Ўздонмаҳсулот", "Ўзбек ипаги", "Ўзкимёсаноат", "Нефть маҳсулотлари", "Агромашсервис" компания ва уюшмалари тизими корхоналаридаги вазият доимий ўрганиб борилсин.

6.1. Бунда қуйидаги ҳолатларга:

- тайёрлов ташкилотлари томонидан ўз вақтида ва зарур миқдорда бўнаклар ажратилиши, хўжаликлар томонидан етказиб берилган маҳсулотлар учун муддатида ҳақини тўлаб берилиши;

- хизмат кўрсатувчи ташкилотлар томонидан шартномада белгиланган тартибда ва муддатларда минерал ўғитлар, ёқилғи-мойлаш материаллари етказиб берилиши, МТПлар томонидан тегишли хизматлар кўрсатилиши;

- хизмат кўрсатувчи ташкилотлар томонидан моддий ресурсларни қишлоқ хўжалик корхоналари ўртасида нотенг тақсимланиши, айрим хўжаликларга моддий ресурсларнинг белгиланган меъёрдан ошиқча миқдорларда етказилиши ҳамда улардан хўжасизларча фойдаланилиши ва талон-тарож қилинишига барҳам бериш чораларининг кўрилиши;

- фермер хўжаликларининг моддий ресурслар ва хизматларни олиши ҳамда уларни расмийлаштиришнинг мавжуд тартибини сунъий равишда мураккаблаштирилмаганлиги, турли бюрократик тўсиқларнинг бекор қилиниши;

- хизмат кўрсатувчи корхоналар томонидан етказилмаган моддий ресурслар, кўрсатилмаган хизматларни фермерлар ҳисобига ёзилиб, "сохта қарздорлик" вужудга келтирилмаслиги;

- фермер хўжаликлари ва оила пудратчиларининг шартнома мажбуриятини бажарилмаганлиги учун уларга жарима санкцияларини қўлланилишининг асослилиги;

- фермерларнинг шартномавий муносабатларга эркин киришиши ва ўз хўжалик фаолиятини мустақил бошқариш учун тўлиқ шарт-шароит яратиб берилганлиги, уларни "бошқариш" учун ноқонуний тузилмаларни ташкил этишнинг олди олинишига асосий эътибор қаратилсин.

6.2. Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 4 сентябрдаги 383-сон қарорига асосан, фермер хўжалигини контрактация шартномаларини бажармагани учун жавобгарликка тортишда хизмат кўрсатувчи ташкилотларнинг жавобгарлиги ҳам кўриб чиқилиши, улар айби билан хўжаликлар томонидан контрактация шартномалари бажарилмаганда, етказилган зарар ушбу ташкилотлардан ундирилиши, яъни жавобгарлик бевосита айбдор томонга юклатилиши маълумот учун қабул қилинсин.

6.3. Қонунчиликнинг бузилиши юзасидан аниқланган ҳолатлар бўйича бажарилиши мажбурий бўлган тақдимномалар киритилиб, идора раҳбарларидан тушунтиришлар олинсин.

Фермер хўжаликларининг ҳуқуқини қўпол равишда бузиб, етказиб берган маҳсулоти учун ҳақини бермаслик, ўз вақтида минерал ўғит ва ёқилғи-мойлаш материаллари етказиб берилишини таъминламаслик каби шартнома интизомини бузилишида айбдор бўлган мансабдор шахсларга нисбатан энг қатъий чоралар кўрилсин, токи бошқа мансабдор шахслар ўзлари учун бундан жиддий хулоса чиқарсин.

Зарур ҳолларда эса мансабдор шахсларнинг ҳаракатларида жиддий ҳуқуқий жавобгарликка тортиш аломатлари мавжуд бўлса, уларни жиноий жавобгарликка тортиш чоралари кўрилсин.

Айбдорларнинг шартнома интизомини бузиши оқибатида ҳар бир фермерга етказилган моддий зарар, бой берилган фойда, шунингдек, маънавий зарарни суд тартибида ундириш бериш таъминлансин.

7. Ўтказилган текширувлар, ерларни талон-тарож қилаётган, фермерлар ҳуқуқини паймол қилаётган айбдор шахсларга нисбатан кўрилган чоралар натижалари ва улардан ундирилган моддий зарарлар бўйича суд жараёнлари телевидение ва матбуот орқали кенг жамоатчиликнинг эътиборига етказилсин. Бу борада оммавий ахборот воситалари билан янада яқинроқ ҳамкорлик ўрнатилсин.

8. Ушбу буйруқнинг бажарилиши устидан жавобгарлик шахсан Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазири ва вилоятлар адлия бошқармалари бошлиқларига юклатилсин.

9. Мазкур буйруқнинг ижросини назорат қилиш Вазир ўринбосари Х.Содиқовга юклатилсин.

Адлия вазири
А. ПОЛВОН-ЗОДА

Ajab savdolar

СУНЪИЙ ТЎСИҚ

У ҚАЧОН ОЛИБ ТАШЛАНАДИ?

(Давоми. Боши биринчи бетда)

Шундан сўнг Зокиржон Турсунбоевнинг саъй-ҳаракатлари натижасида аввал сотиб олинган ер майдони ҳажми Нукус шаҳар ҳокимининг 2002 йил 16 май

Huquqiy ma`rifat

МАЖБУРИЯТ: МУАММО ВА ЕЧИМ

Мамлакатимизда барча ижтимоий ва иқтисодий муносабатлар қонун билан тартибга солинади, унинг қатнашчилари эса ҳеч бир истисносиз ҳуқуқ меъёрларини бузгани учун жавобгар бўлади. Бозор иқтисодиётининг энг асосий хусусиятидан бири хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида уларнинг иқтисодий жавобгарлиги ва тўлиқ иқтисодий мустақиллиги асосида қонун ва шартномалар интизомига қатъий риоя қилиш ҳисобланади. Қонун ва шартномалар мазмунида эса кўп ҳолларда фуқаролар ҳамда юридик шахслар зиммасига юкланган мажбуриятлар ётади.

Мажбурият фуқаролик ҳуқуқий муносабат бўлиб, унга асосан шахс (қарздор) бошқа шахс (кредитор) фойдасига муайян ҳаракатни амалга оширишга — чунончи, мол-мулк топшириш, ишни бажариш, хизматлар кўрсатиш, пул тўлаш ёки муайян ҳаракатдан ўзини сақлашга мажбур бўлса, кредитор эса қарздордан ўзининг мажбуриятларини бажаришни талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлади.

Фуқаролик кодексининг 234-моддасида қайд этилишича, мажбуриятлар шартнома, зиён етказиш натижаси ҳамда Фуқаролик кодексида кўрсатилган бошқа асослардан келиб чиқади.

Мажбуриятлар мажбурият шартларига ва қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ, бундай шартлар ва талаблар бўлмаганида эса иш муомаласи одатларига ёки одатда қўйиладиган бошқа талабларга мувофиқ лозим даражада бажарилиши керак. Мажбуриятни бажаришдан бир томонлама бош тортишга йўл қўйилмайди.

Мажбуриятни бажариш муддати Фуқаролик кодексининг 242-моддасида баён этилган. Агар мажбуриятни бажариш муддати кўрсатилмаган ёки талаб қилиб олиш пайти билан белгилаб қўйилган бўлса, кредитор истаган пайтда ижрони талаб қилишга, қарздор эса ижрони амалга оширишга ҳақли.

Мажбуриятни дарҳол бажариш вазифаси қонун, шартнома ёки мажбуриятнинг моҳиятидан англашилмаса, қарздор бундай мажбуриятни кредитор талаб қилган кундан бошлаб етти кунлик муддат ичида бажариши шарт.

Мажбурият турлари олди-сотди, маҳсулот етказиб бериш, контрактация, айирбошлаш, ҳадя, рента, мулк ижараси, пудрат, ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш, қарз, кредит, уй-жой ижараси, корхоналарни ижарага бериш, лизинг ва бошқалардан иборат.

Мажбурият турларидан бири маҳсулот етказиб бериш бўлиб, маҳсулот етказиб бериш шартномасида тадбиркорлик билан шуғулланаётган маҳсулот етказиб берувчи сотувчи шартлашилган муддатда ёки муддатларда ўзи ишлаб чиқарадиган ёхуд сотиб оладиган товарларни сотиб олувчига тадбиркорлик фаолиятида фойдаланиш учун топшириш, сотиб олувчи эса товарларни қабул қилиш ва уларнинг ҳақини тўлаш мажбуриятини олади. Маҳсулот етказиб бериш шартномасининг амал қилиш муддати тарафларнинг келишувида назарда тутилган муддатга тузилиши мумкин. Маҳсулотни етказиб бериш даврлари, тартиби, олиб бориб бериш, тўлиқ етказиб берилмаган товарларнинг ўрнини тўлдириш, етказиб бериш муддати ўтказиб юборилган товарларни қабул қилишни рад этиш ҳисоб-китоблари шартномада, албатта, кўрсатилиши лозим.

Шу ўринда айтиш жоизки, мулкка бўлган муносабатнинг ўзгариши, унинг хилма-хил шаклларининг вужудга келиши, шартнома ҳуқуқи ва маданиятининг ривожланиши хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг кенгайиб боришига имконият яратди. Аммо маҳсулот етказиб бериш ҳақидаги шартнома тузишда тарафларнинг ҳуқуқий хизматга эътибор бермаслиги, шартноманинг аҳамияти, уни тузишдаги масъулиятини тўлиқ англаб етмаслик ва баъзи ҳолларда оддий расмиятчилик деб эътиборсизлик билан қараш кўплаб хўжалик юритувчи субъектларнинг ўзлари учун ҳам, улар билан ҳамкорлик қиладиган хўжалик субъектлари учун ҳам кўнгилсиз ҳуқуқий-иқтисодий оқибатларнинг кўпайишига сабаб бўлмоқда.

Аксарият низоларнинг келиб чиқиш сабаблари шундаки, шартнома тузишда камчиликларга йўл қўйилмоқда. Амалиётда маҳсулот етказиб бериш тўғрисидаги шартномада аввалдан тўловни тўлиқ амалга ошириш кўрсатилган бўлсада, баъзи ҳолларда томонлар тўловни амалга оширмай туриб маҳсулот етказиб бериш ҳоллари учрамоқда. Бу ҳолларда маҳсулот етказиб берувчининг айби билан ташкилотда муддати ўтган дебиторлик қарзлари вужудга келмоқда.

Айрим ташкилотлар раҳбарлари ҳамкор томоннинг шартнома тузмаган ҳолда катта миқдорда маҳсулот етказиб беришади. Бундай ҳолат дебиторлик қарзларининг юзага келишига, йиллар давомида ҳақларни ололмаслик ҳамда ташкилотнинг молиявий зиён кўришига сабаб бўлади.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, хўжалик муносабатларининг шаклланишида шартнома қонунчилиги муҳим аҳамиятга эга. Чунки шартнома орқали томонлар қонун билан ҳимоя қилинадиган ўз ҳуқуқларини бузилмаслигини талаб қилиш ҳуқуқи ва жавоб бериш мажбуриятига эга бўлади. Бундан ташқари, шартнома хўжалик юритувчи субъектларнинг қонун билан амалга ошириши лозим бўлган ишлаб чиқариш, бошқарув ва хизмат кўрсатиш соҳасидаги фаолиятини аниқлаштириб беради ва корхона унинг бажарилиши билан боғлиқ дастурга эга бўлади.

Мамлакатимизда шартномага оид меъёрлар Фуқаролик кодекси ва **"Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"**ги қонун билан тартибга солинади.

"Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги қонуннинг 21-моддасида хўжалик шартномаларини тузишнинг асосий шарти сифатида уларни ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш қоидаси белгилаб қўйилди.

Қонунда белгиланганидек, энг кам иш ҳақининг 200 баробаригача бўлган миқдордаги хўжалик шартномалари хўжалик юритувчи субъектлар юридик хизмати ёки жалб этилган ҳуқуқшуносларнинг мазкур шартнома билан танишгани ва уни қонун талабларига жавоб беришини тасдиқловчи имзосидан ва кўрсатилган миқдордан ортиқ ҳолатларда уларнинг ёзма хулосаларидан кейин тузилиши мумкин.

Хўжалик шартномаларини ҳуқуқий экспертизадан ўтказишда юридик хизмат ёки жалб этилган ҳуқуқшуносларнинг шартномада ишлатилган сўзлар, атама ва ибораларнинг асл маъносини эътиборга олишлари кўзда тутилади. Чунки шартномада қўлланилган сўз, атама ёки иборалар аниқ маънони билдириши керак. Акс ҳолда улар шартнома шартларини ҳар хил талқин қилинишига сабаб бўлиши мумкин. Бу ҳолатлар судларда хўжалик ишларини кўришда айрим тушунмовчиликларни келтириб чиқаради.

Хулоса ўрнида айтсак, томонлар ўртасидаги мажбуриятлар борасидаги муаммоларни ҳал этишнинг энг қулай усули — бу шартнома қонунчилигига амал қилишдир. Зеро, шартномаларни ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш хўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги шартномавий муносабатларнинг ҳуқуқийлигини таъминлашда муҳим восита ҳисобланади. Шу боис ушбу қоидага қатъий равишда амал қилиш лозим.

Саидмурод АБИЛОВ,
Шоҳназар БОБОҚУЛОВ

Tadbirkorlik himoyasi

ИШОНЧЛИ ҲАМКОР

Адлия вазирлиги ва вилоятлардаги адлия бошқармаларидаги «Ишонч телефонлари» тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда самарали воситалардан биридир. Унинг афзаллиги шундаки, қонунбузилиш ҳолатлари тўғрисида хабар берилган заҳотиёқ зудлик билан чора кўрилади.

2003 йилда адлия идораларига **"Ишонч телефони"** орқали тадбиркорлардан 1294 та мурожаат қабул қилинди. Уларда асосан тендер комиссиялари, банклар фаолияти билан боғлиқ айрим хатти-ҳаракатлар, назорат қилувчи идоралар томонидан ноқонуний текширишлар ва ноқонуний жарималар ҳамда бошқа қонунга хилоф ҳаракатлар ўз аксини топган.

Шуни таъкидлаш лозимки, 2002 йилга нисбатан ўтган йилда тадбиркорлар мурожаати 250 тага кўпайгани коммуникация воситаларидан бири бўлган **"Ишонч телефони"**га ишонч ортганлигининг яққол исботидир.

Мисол учун айтадиган бўлсак, Қорақалпоғистон Адлия вазирлигига **"Ишонч телефони"** орқали мурожаат қилган "Шаҳноза" хусусий корхонаси раҳбари Г.Маткаримова «Миллий банк»нинг Қорақалпоғистон филиали томонидан ундан яширинча фирмасига 20 миллион сўм кредит маблағи ҳужжатлаштирилганини маълум қилди. Дастлаб фирма ҳисоб рақамига туширилган катта миқдордаги бу маблағ кейинчалик бошқа шахс ҳисобига ўтказилган бўлса-да, кредит фоизлари фирма ҳисоб рақамига ёзиб борилган.

Қорақалпоғистон Адлия вазирлиги текшириш якунлари асосида 2003 йил 22 ноябрда «Миллий банк»нинг Қорақалпоғистон филиали раҳбари номига "Шаҳноза" хусусий фирмаси манфаатларини кўзлаб, бажарилиши мажбурий бўлган тақдимнома киритди. Унга мувофиқ ноқонуний кредит ва қарз фоизлари фирма ҳисобидан чиқариб ташланди. Хизмат вазифасини суиистеъмол қилган банк ходимларига нисбатан қонунни бузганликлари учун Қорақалпоғистон Республикаси прокуратураси томонидан жиноий иш қўзғатилган.

Тошкент шаҳар адлия бошқармасининг **"Ишонч телефони"**га қўнғироқ қилган "Беҳзод Охун" хусусий фирмаси раҳбари Б.Охунов Юнусобод тумани Давлат солиқ инспекцияси ходимларининг фаолиятидан шикоят қилган. Зудлик билан ўтказилган ўрганиш ишлари солиқчилар томонидан ўтказилган текширишда қонун бузилганлигини кўрсатди. Тўпланган ҳужжатлар асосида Тошкент шаҳар адлия бошқармаси томонидан киритилган тақдимномага мувофиқ 2003 йил 3 декабрда фирмага нисбатан энг кам иш ҳақининг 200 баробари миқдорида қўлланиган молиявий жарима бекор қилинди. Айбдорларга нисбатан чора кўрилди.

Қашқадарё вилояти, Шаҳрисабз тумани, Амир Хушвақтов номидаги ширкат хўжалиги аъзоси Азиз Жўраев 2004 йил 9 январда туман ҳокимлигида бўлиб ўтган тендер комиссияси ишидан норози бўлиб, **«Ишонч телефони»** орқали вилоят адлия бошқармасига сим қоққан.

Гап шундаки, тумандаги А.Хушвақтов номидаги ширкат хўжалигини фермер хўжалигига айлантириш бўйича қайта ташкил этиш комиссияси қарорига асосан "Қўчқор бобо" фермер хўжалиги раҳбари А.Жўраев 22-лойиҳа бўйича тендерда қатнашиб ғолиб чиқолмаган. Вилоят адлия бошқармасининг аралашуви билан қонун талабларидан келиб чиққан ҳолда дастлабки 3 гектар ерга 76-77-контурлардан яна 10 гектар ер ажратиб берилди.

Шундай қилиб, мазкур низоли масала қонун йўли билан тадбиркор фойдасига ҳал қилинди.

Бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин. Энг муҳими, тадбиркорларимиз учун "Ишонч телефони" ишончли ҳамкорга айланиб бораётганлигидир. Натижада ортиқча оворагарчилик ва қоғозбозликсиз ўз вақтида қонунбузилиш ҳолатига ҳуқуқий баҳо берилади.

А.АБДУЛЛАЕВ,
Адлия вазирлиги ходими

Bugunning gapi

МОНИТОРИНГМИ ЁКИ НОҚОНУНИЙ ТЕКШИРУВ?

Оддий кунларнинг бирида Қувасой шаҳрида жойлашган "Шифо" хусусий дорихонасида бир харидор пайдо бўлди. У бир ампуладан "Зуфилин", "Папаверин", бир ампула "Дибазол" ва бир дона ўн граммлик шприц харид қилди. Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай дорихонага текширувчилар кириб келишди ва ўзларини "монополияданмиз" деб таништиришди.

Дорихонада мониторинг ўтказиш ҳақидаги бошқарма бошлиғининг 29-сонли буйруғини кўрсатиб, дарҳол қонун бузилгани тўғрисида далолатнома тузишди.

Далолатномага Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамияти Қувасой шаҳар бўлими ходими А.Дармонов, харидор А.Дадажонов ҳамда "Шифо" хусусий дорихонаси сотувчиси Т.Абдураҳимовлар имзо чекишди. Шундан сўнг харидор, сотувчи ва мониторинг иштирокчиларининг тушунтириш хатларига асосан Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш Давлат қўмитасининг Фарғона вилоят ҳудудий бошқармаси бошлиғи номига дорихона сотувчиси Т.Абдураҳимов томонидан **"Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"**ги Қонуннинг 10-моддаси талаблари бузилганлиги маълум қилиниб, "Шифо" хусусий дорихонасига нисбатан чора кўриш ҳақида билдирги тайёрланди. Мазкур билдирги ва тўпланган бошқа ҳужжатлар бошқарма кенгаши томонидан кўриб чиқилиб, "Шифо" хусусий дорихонасига нисбатан 453500 сўм миқдорда молиявий жарима тайинлаш ҳақида 40-сонли қарори чиқарилди.

Бир қараганда, ҳаммаси рисоладагидек кўринади. Аммо мазкур масалага чуқурроқ ёндашилганда текширувчиларнинг ўзлари қонун талабларини қўпол равишда бузишгани маълум бўлди.

Гап шундаки, Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 2 август кунидаги 300-сонли қарори билан тасдиқланган «Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш Давлат қўмитаси тўғрисида»ги Низомнинг 5-банди 10-хатбошисида мазкур қўмита идораларига фақат истеъмол товарлари нархлари ва хизматларига тарифлар мониторингини ўтказиш юклатилган. Бундан ташқари, Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш Давлат қўмитасининг 2003 йил 15 январдаги 11-сонли буйруғи билан тасдиқланган "Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонун ҳужжатларининг бузилиши ҳолатларини аниқлаш, расмийлаштириш ва улар бўйича жарималар қўллаш тартиби тўғрисида"ги вақтинча йўриқноманинг 5-7-бандлари талабларига асосан қонунчилик ҳужжатларида кўзда тутилган жарималар монополияга қарши фаолиятни амалга оширувчи давлат идораси томонидан ўтказилган текшириш материалларини кўриб чиқиш асосида қўлланилади.

Бундан ташқари, режалаштирилган текширишни ўтказиш учун Назорат қилувчи идоралар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгаши ва унинг ҳудудий комиссиялари рухсати асосида монополияга қарши фаолиятни амалга оширувчи идора буйруқ чиқариш лозим. Бироқ "Шифо" хусусий дорихонасида текшириш ўтказганлар эса бошқарма ходимлари томонидан тегишли тартибда Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг рухсатини олишмаган. Бу эса ўтказилган мониторингни ноқонуний текшириш деб баҳолашга асос бўлади. Зеро, баён этилган ҳолатда **"Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"**ги, **"Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида"**ги қонунлар ҳамда Адлия вазирлигидан 2001 йил 26 апрел кунги 1029-сон билан рўйхатдан ўтган **"Назорат қилувчи органлар томонидан ўтказиладиган хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текширишни мувофиқлаштириш тартиби тўғрисида"**ги Низом талаблари қўпол равишда бузилган. Натижада "Шифо" хусусий дорихонасини ноқонуний молиявий жавобгарликка тортилган. Бундай ноқонуний ҳаракатлар оқибатида "Шифо" хусусий дорихонаси бошлиғи Т.Абдураҳимов ҳам моддий, ҳам маънавий зарар кўрган.

Вилоят адлия бошқармаси Фуқаролик кодексининг 15, 826, 1021-моддалари, **"Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"**ги қонуннинг 18, 38, 39-моддалари, **"Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида"**ги қонун талаблар, Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 17 февралдаги "Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича Республика мувофиқлаштирувчи кенгаши фаолиятини фаоллаштириш тўғрисида" 57-сонли қарорининг 7-бандига асосан Қувасой шаҳридаги "Шифо" хусусий дорихонаси раҳбари Т.Абдураҳимов манфаатини кўзлаб, Фарғона шаҳар туманлараро фуқаролик судига даъво аризани киритган эди. Яқинда мазкур ариза юзасидан суд мажлиси бўлиб ўтди ва молиявий жаримага тортиш ҳақидаги қарор бекор қилинди. Шунингдек, жавобгарлардан катта миқдорда суд харажати ҳамда давлат божи ҳам ундирилди. Шу тариқа адолат қарор топди.

Маҳмуджон ТОЖИЕВ,
ҳуқуқшунос
Маъмур МУСУЛМОНОВ,
"Инсон ва қонун" мухбири

Mitti maslahat

ХИЗМАТ САФАРИГА ЮБОРИШДАГИ ИМТИЁЗЛАР

Ҳар бир корхона, муассаса, ташкилотда иш зарурияти билан ходимларни хизмат сафарига юбориш одатий бир ҳолдир. Хизмат сафари деганда ходимнинг иш берувчи фармойишига биноан, муайян муддатга доимий иш жойидан бошқа жойга хизмат топшириғини бажариш учун бориши тушунилади. Аммо қонунчиликда хизмат сафарига юборишда бир қатор ҳолларда айрим енгилликлар ҳам белгиланган. Жумладан, Меҳнат кодексининг 228-моддасига биноан ҳомиладор ва 14 ёшга тўлмаган боласи бор аёлларни хизмат сафарига юбориш мумкин эмас. 3 ёшдан 14 ёшгача болалари бўлган (16 ёшгача ногирон болалари бўлган) аёллар эса фақат ўзларининг розиликлари билан юборилиши мумкин.

Қонунчиликдаги бундай афзалликлар аёлларнинг манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган.

Muloqot

ИККИ САВОЛГА ИККИ ЖАВОБ

САВОЛ: ***Тошкентда шахсий уй-жойимиз бўлмагани сабабли уч йилдан бери бир кишининг икки хонали бўш уйда ижарада турардик. Яқинда ўзимизга уй сотиб олдик. Бироқ ижара уйининг эгаси кўчиб кетишдан олдин квартирани таъмирлаб берасизлар, деб турибди. Унинг талаблари асослими?***

Алижон ТУРДИЕВ,
Тошкент шаҳри.

ЖАВОБ: Агар уй-жойни ижарага бериш шартномасида бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, уй эгасининг талаби асосли. Чунки Фуқаролик кодексининг 610-моддасига биноан, ижарага берилган уй-жойни таъмирлаш вазифаси уй-жойни ижарага олувчи зиммасига юкланади.

* * *

САВОЛ: ***Тижорат асосида фаолият юритадиган фирмада хизмат қиламан. Яқинда бир ходимимиз яқин қўшни давлат билан қилинган олди-сотдиларда хатоликларга йўл қўйгани учун иши терговга тушган эди. Куни кеча эса фирмада уни ишдан четлаштириш тўғрисида буйруқ чиқарилди. Иши терговга тушиб турган бир пайтда ходимни ишдан четлаштириши тўғрими?***

А. АҲМЕДОВ,
Самарқанд шаҳри.

ЖАВОБ: Ишдан четлаштириш фақат Меҳнат кодексида эмас, балки амалдаги бошқа қонун ҳужжатларида ҳам назарда тутилган. Хусусан, Жиноят процессуал кодексининг 255-моддасида "айбланувчи, судланувчи ўз иш жойида қолса, у жиноят иши бўйича ҳақиқатни аниқлашга, жиноят оқибатида етказилган зарарни қоплашга тўсқинлик қилади ёки жиноий фаолиятини давом эттиради, деб ҳисоблашга етарли асослар бўлса, суриштирувчи, терговчи, палаталар ёки суд уни лавозимидан четлаштиришга ҳақлидир", деб қайд этилган. Шундай экан, ҳамкасбингизнинг ишдан четлаштирилишига суриштирувчи, терговчи, прокурорнинг қарори ёхуд суднинг ажрими асос бўлган.

Адҳам ОДИНАЕВ
тайёрлади.

Jahon tajribasi

"HABEAS CORPUS" ҚОИДАСИ

Ривожланган давлатлардан бири бўлган Буюк Британия ҳуқуқ тизими қадимий мерос ва бой анъаналарга эгалиги билан ажралиб туради. Энг муҳим жиҳатлардан бири шуки, мамлакат ҳуқуқ тизимида судлар фаолияти муҳим аҳамиятга эга. Англо-саксон ҳуқуқий тизимидаги давлатлар каби Буюк Британия суд тизимида ҳам суд прецеденти амал қилади.

Суд прецеденти қоидасига мувофиқ судья бирор-бир жиноий ишни кўраётган пайтда худди шундай жиноятга ўхшаш жиноят илгари судлар томонидан кўрилган ёки кўрилмаганлигини, жиноий иш юзасидан суд ҳукми чиққан ёки чиқмаганлигини текшириб кўради. Бунинг сабаби шундаки, худди шундай жиноят учун чиқарилган суд ҳукми кўрилаётган жиноят иши учун ҳам қўлланиши мумкин. Бунда судья қўшимча далилларни инобатга олган ҳолда иш кўради.

Шу ўринда табиий бир савол туғилади: хўш, қайси суд ва судьяларнинг ҳукмлари шунга ўхшаш жиноятни кўраётган судья учун прецедент бўла олади?

Бунга жавобан шуни айтиш лозимки, Буюк Британия ҳуқуқ тизимидаги олий инстанция – Лордлар палатасининг чиқарган қарорлари барча судлар учун мажбурий кучга эга.

Шунингдек, жиноят ва фуқаролик бўлимидан ташкил топган апелляция судлари Лордлар палатаси ва ўзлари томонидан чиқарилган суд прецедентларини назорат қилади, уларнинг чиқарган қарорлари қуйи турувчи судлар учун мажбурий ҳисобланади.

Олий суд ва унинг бўлимлари юқоридаги икки инстанция чиқарган суд прецедентлари билан боғлиқ бўлиб, бу инстанция қарори ҳам барча кўрилган жиноий ишлар махсус боблар бўйича жойлаштирилади. Бу судьялар меҳнатини енгиллаштиришга ёрдам беради.



Буюк Британия суд тизимининг яна бир муҳим жиҳати барча судьяларнинг ўз фаолияти давомида "habeas corpus" тамойилига қатъий амал қилишидир.

"Habeas corpus" – лотинча сўзлар бирикмасининг қисқартмаси бўлиб, "шахсни суд олдида мурожаат қилиш учун рухсат бериш" деган маънони англатади.

Бу тамойил ҳар қандай шахс ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар томонидан ҳибсга олинганида судга апелляция тарзда мурожаат қилиш ҳуқуқига эгалигини кафолатлайди. Шундан сўнг суд мурожаатни кўриб чиқиб, ҳибсга олиш қонуний ёки қонуний эмаслигини аниқлаб беради.

"Habeas corpus" қонуни Англия Парламенти томонидан 1679 йилда қабул қилинган. Ушбу қонунга мувофиқ судга мурожаат қилган ҳибсга олинган шахс 3 сутка (72 соат) мобайнида судга олиб борилиши лозим. Руҳий касалликлар шифохоналари ва болалар уйларига жойлаштирилган шахслар ҳам судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга. "Habeas corpus" озодлик презумпцияси бўлиб, шахсни полиция томонидан ўтказилиши мумкин бўлган турли тазйиқлардан ҳимоя қилади.

Қонунда ҳибсга олишни амалга оширган шахс ҳибсга олинган шахснинг айбдор эканлигини исботлаб бериши ва гаров асосида қўйиб юбориш каби бир қатор шартлар кўрсатиб ўтилган.

Бундан ташқари, шахс ҳибсда сақланаётган давр мобайнида унга ҳеч қандай жисмоний ва руҳий тазйиқ ўтказилиши мумкин эмас. Ҳибсда ушлаб турилган шахснинг барча қонуний талабларини бажариши таъминланади. Ноқонуний ҳибсга олганлик ва зўрлик ўтказилганлик учун жабрланувчига ҳар бир ҳибсда ўтирган куни учун 3000 фунт стерлинг миқдорида жарима тўланади. Шунингдек, шахс ҳибсга олинган тақдирда унга ўзи тўғрисида яқин қариндошларига ва тегишли жойларга хабардор қилишга рухсат берилади.

Баён этилганлардан кўриниб турибдики, "Habeas corpus" қоидаси шахс эркинлиги ва ҳуқуқларининг дахлсизлиги кафолатига хизмат қилади. Шу боис ушбу институт бутун дунёда ижобий тажриба сифатида эътироф этилган.

Маҳмуд ЭГАМБЕРДИЕВ,
Жамолиддин МАМИТОВ

ТАҲРИРИЯТДАН: ***Газетамизни мунтазам ўқиб бораётган ҳар бир ўқувчи юқорида баён этилгани каби мониторинг баҳонасида ўтказилган ноқонуний текширишлар ҳақидаги мақолалар кўп бор чоп этилаётганига амин бўлади. Бу, ўз навбатида, айрим назорат идоралари ходимларининг ана шу нотўғри амалиёт асосида иш юритаётганидан далолатдир. Шу ўринда ҳақли савол туғилади: бундай ноқонуний текширишлар қонунни билмаслик ёки ваколатларнинг аниқ белгиланмаганидан келиб чиқаяптими ёки бунинг бошқа сабаблари борми? Қолаверса, мониторинг ўзининг мазмун-моҳияти билан мавжуд ҳолатни холис ўрганиш учун ўтказиладими ёки тадбиркорни «жиловлаб» қўйиш учунми? Бундан ташқари, мониторинг ўтказиш ва тадбиркорлик субъектига жарима солиш механизми тўғри йўлга қўйилганми? Умуман, мониторинг билан боғлиқ муаммо ва ечимлар нималардан иборат? Бу борада мутасаддилар, тадбиркорлар, ҳуқуқшунослар ва амалиётчиларнинг фикри қандай? Хуллас, таклиф ва мулоҳазаларни кутамиз.***

Tahlil va saboq

МЕҲР КЎРСАТСАНГИЗ, МЕҲР КЎРАСИЗ

Бундан уч-тўрт йил муқаддам таҳририят топшириғи билан ўз ўғлининг устидан шикоят ёзиб келган отанинг аризаси билан шуғулланишимга тўғри келган эди. Ариза мазмунига кўра, қамоқдан қайтган отани ўғил уйига киритишни хоҳламаган. Ота ўғилни судга берган. Суд ҳам отани ўғилнинг уйига мажбурий киритишни ноқонуний, деб топган. Шикоятчи ота ўғилнинг тутумидан ва суднинг қароридан норози бўлиб, таҳририятга мактуб йўллаган.

Суруштирув жараёнида гувоҳ бўлдимки, ота ёшлигида жуда топармон-тутармон бўлган. Савдо соҳасида ишлаб, қўша-қўша машина, бир неча қўшқаватли уй ва каттагина сармоя эгаси бўлган. Бойлик ҳаддидан оширган шекилли, биринчи хотини туриб, иккинчисига уйланган. Кейин иқтисодий жиноят билан қўлга тушиб, узоқ муддат қамоқ жазосига ҳукм қилинганга қадар асосан кичик хотини билан яшаган. Шунча мол-давлати бўла туриб, биринчи хотини ва фарзандларига ёрдам бермаган. Эри ташлаб кетган она фарзандлари — бир ўғил ва бир қизни фаррошлик ортидан топган пул билан боқиб катта қилган.

Кўп ҳолларда бўлгани каби эри қамалгач, кичик хотин бошқага турмушга чиқиб кетган. Унинг янги эри олдинги эрига тегишли барча мол-мулкни сотиб юборган. Хуллас, қамоқдан уйига қайтган "бойвачча" кичик хотини ва унга қолдирган бойликлари "қулоғини ушлаб кетгани"га амин бўлгач, биринчи хотининикига бош эгиб борган. Буни қарангки, умри меҳнат остида ўтган аёл бир неча йил аввал бандаликни бажо келтирган экан. "Бемеҳр" ўғил эса отани танишни ҳам, тан олишни ҳам истамаган. Натижада ота судга мурожаат қилган ва суддан рад жавобини олгач, таҳририят эшигини қоқиб келган.

Тўғриси, аввалига мункайиб қолган, усти-боши бир аҳволда бўлган бу одамга ачиндим. Кўнглимда унга ёрдам бериш истаги пайдо бўлди. Аввал ушбу ишни кўриб чиққан судья билан учрашиб, унинг фикрларини эшитдим. Кейин ота берган рақамлар бўйича ўғилнинг "сотка"сига кўнғироқ қилдим. Ўғил учрашишни истамади. Ҳатто отаси ҳақида эшитишни ҳам хоҳламади. Мен унга барибир бу мавзуда мақола ёзажагимни, отасини ҳимоя қилиш ниятида эканлигимни айтганимдан кейингина истар-истамас шартимга рози бўлди. Лекин фақатгина бу суҳбатга отасини таклиф этмаслигимни шарт қилиб қўйди.

(Давоми тўртинчи бетда)

Tahlil va saboq

МЕҲР КЎРСАТСАНГИЗ, МЕҲР КЎРАСИЗ

(Давоми. Боши учинчи бетда)

Биз у билан келишилган жойда кўришдик. Кутганимнинг акси ўлароқ, учрашувга қоп-қора зулукдай "Нексия"да жуда пўрим кийинган йигит ташриф буюрди. Унинг ўзини тутиши ўзига тўқ ва ўзига ишонган одам эканлиги кўриниб турарди. Суҳбатимиз жуда қисқа ва совуққина бўлди. Менинг отаси ҳақида берган саволларимга у шундай жавоб берди.

— Биринчидан, мен уни ота дейишни истамайман. Иккинчидан, унинг марҳума онамга берган азобларини кўриб улғайдим. Агар орадан яна минг йил ўтса ҳам кечалари онам тўккан кўз ёшларни унутолмайман. Онам раҳматли кечалари фаррошлик қилиб, кундузи бозорма-бозор чой сотиб, машаққат билан синглим иккаламизни улғайтирди. Уйли-жойли қилди. Бу дунёга келиб ҳузур нималигини билмай ўтиб кетди. Эсимда, бир сафар синглим касал бўлиб қолганида онам ноилождан мени отамникига жўнатган эди. Ишонасизми, бугун судма-суд шикоят ёзиб юрган мана шу одам, ўз жигарбанди — қизига дори олиш учун пул бериш у ёқда турсин, унга "ота" деб мурожаат қилганим учун кичик хотинининг олдида тарсаки билан "сийлаган" эди. Мен шунда катта бўлсам, албатта, бу одамдан онам учун, ўзимнинг топталган ғурурим учун қасос оламан, деб ният қилгандим.

Худога шукр, гуноҳга ботмадим. Қасосни мен эмас, яратганнинг ўзи олди. Пули бор пайтида эркалатиб юрган ойимчаси уни итдай кўчага ҳайдади. Ўша пайтдаги қадрдон ошналарининг ҳам бирортаси унга мурувват қўлини чўзмади. Хўш, нега энди мен унга меҳр кўрсатишим керак экан?..

Тўғриси, мен шикоятчининг ўғлидан бундай жавобни кутмаган эдим. Ўзимча унга тушунтираман, яхшими, ёмонми — барибир шу одам отанг-ку, қариган чоғида хор қилиб қўйма, деб айтаман, отани ўз ўғли уйига жойлашишига ёрдам бераман, деб ўйлагандим.

Афсуски, ўғлининг саволларига жавоб тополмадим. Бу ҳақда мақола ҳам ёзмадим. Отага эса "судга мурожаат қилишингиздан бошқа иложингиз йўқ, биз сизга ёрдам беролмас эканмиз", дея жавоб қайтардим. Ўшанда тил учида шундай жавоб берганим билан ичимда "аввал меҳр кўргизинг эди, кейин меҳр талаб қилсангиз бўларди", деб ўйлагандим. Дилимдагини тилимга чиқаришга отанинг афтодаҳол кўриниши йўл қўймаганди.

Қолаверса, ўғил билан суҳбатдан ота ўз гуноҳлари учун жавоб бераётган ва бу ўринда уни ҳимоя қилиб бўлмайди, деган қатъий тўхтамга келгандим. Бу воқеага ҳам уч-тўрт йил бўлиб қолди. Шундан буён қаердаки оила, эр-хотин муносабатлари ҳақида эшитсам бу воқеани эслайман. Кўчада қолган "қўшхотинлик бойвачча"нинг ҳоли нима кечяпти экан, деб ўйлайман. Таҳририятимизга келган шикоят аризалар билан таниша туриб, яна уларни ўйладим. Чунки таҳририятга йўлланган баъзи шикоятлар юқоридаги воқеани ёдимга солди. Келинг, улар билан сиз, азиз муштарийларимизни ҳам таништириб ўтайлик:

"Тақдир экан, турмуш ўртоғим Барот Қосимов билан қонуний ажрашдик. Ўртамизда беш нафар фарзанд бор. Қарши туманлараро фуқаролик судининг ҳал қилув қарорига кўра, собиқ турмуш ўртоғим 2001 йилнинг 1 ноябридан бошлаб фарзандларимиз учун алемент тўлаши керак эди. Мана, орадан шунча вақт ўтаётган бўлишига қарамасдан, ҳозиргача бирор сўм тўлагани йўқ.

Ҳурматли таҳририят ходимлари!

Бугун ишламасдан туриб, беш нафар фарзандни боқишнинг ўзи бўлмайди. Мен собиқ турмуш ўртоғимдан ортиқча мулк ёки бойлик таъма қилаётганим йўқ. Бор-йўғи болаларимнинг қонуний ҳақини сўраяпман...

Сизлардан илтимос, менга ёрдам берсангизлар".

Ушбу мактубни бизга Қашқадарё вилояти, Нишон тумани, "Самарқанд" ширкат хўжалиги, "Меҳнатобод" маҳалласида яшовчи Дилором Абраева йўллаган. Шикоят-ариза билан таниша туриб, мақоламиз аввалида мисол келтирганимиз — ота ва фарзанд муносабатлари кўз олдимизда жонланди. Наҳотки, ўзининг беш фарзандидан воз кеча олган Б.Қосимов ўз эртасини ўйламаса, деган фикрга бордик. Болаликнинг ортидан ёшлик эшик қоққани каби ёшлик, йигитликнинг изидан кексалик ҳам йўқлаб келишини унутиб қўймаяпмизми, деган ўйда ушбу мактубни газета саҳифасига олиб чиқдик.

Баҳор истиқболига чиққан болалар

Ушбу сондаги суратлар муаллифи: Абдуғани ЖУМАЕВ

Айни шу мавзудаги яна бир мактубни Қашқадарё вилояти Деҳқонобод тумани, Окработ қишлоғида яшовчи Муҳаббат Ҳайитова йўллаган экан. Жумладан, у шундай ёзади:

"2003 йилнинг июль ойидан буён Деҳқонобод туманида истиқомат қилувчи собиқ турмуш ўртоғим Амир Омонқуловдан икки нафар фарзандим учун бериладиган алемент пулини ололмаяпман. Илтимос, фарзандларимнинг ҳақини олишда ёрдам берсангизлар".

Биз ҳар икки хатдан кичик-кичик иқтибос келтирдик, холос. Бу икки мактуб юзасидан Қашқадарё вилоятидаги мутасадди идоралар вакиллари ўз муносабатларини билдиради, деган умиддамиз. Хулоса чиқаришни эса ўқувчиларимизнинг ўзларига ҳавола қиламиз. Лекин мақоламизга якун ясашдан аввал кўнглимиздан кечган бир қатор саволларни муштарийларимизнинг эътиборига ҳавола этишни лозим топдик.

Биринчидан, бугун ўз пуштикамаридан бўлган фарзандларига бемеҳрлик кўрсатаётган оталар эртага бошқаларга оқибат кўрсата олармикан?

Иккинчидан, улар ўз фарзандлари учун қонун олдида алемент тўлашга мажбур. Лекин мактубларда тилга олинган беш нафар болага оталик меҳрини ким беради?

Учинчидан, тегишли идоралар ўз ишларига совуққонлик билан ёндашиб, уларга нисбатан вақтида чора кўрмаётган бўлса бордир. Лекин уларнинг ўзлари суд ҳукмисиз ҳам оталик масъулияти деган ёзилмаган қоида олдида бурчдор эмасми?

Тўртинчидан, собиқ оталар майли, лекин кўпни кўрган бобо ва бувилар қаёққа қарашаяпти? Наҳотки, уларнинг ўз фарзандларини инсофга чақиришга қурблари етмайди?

Бешинчидан, бугун ўз фарзандларига бемеҳрлик кўрсатаётган оталар эрта бир кун мақоламиз «қаҳрамони» каби ўзлари ҳам меҳрга муҳтож бўлиб қолмасмикан? Энг асосийси, фарзандимизга меҳр кўрсатмай туриб, ундан меҳр талаб қилишга маънавий ҳақимиз борми?

Сиз бунга нима дейсиз, азиз муштарий?

Ислом ҲАМРО,
"Инсон ва қонун" мухбири

Qilmish-qidirmish

ҚАЛТИС ҚАДАМ

Халқимизда «юзим оқ бўлсин десанг, ишингни тўғри қил», деган ибратли гап бор. Бу ҳикмат замирида чуқур ҳаётий маъно мужассам. Зеро, иши тўғри, нияти пок одамнинг юзи доимо ёруғ бўлади. Бироқ шунинг акси бўлса, одамнинг боши эгилиб қолади. Кармана туманидаги Ибн Сино номидаги ширкат хўжалигида яшовчи, 36 ёшли, 3 нафар фарзанднинг отаси Мўминмирзо Кулов нафс қутқусига учиб, қадамини эгри ташлади.

Гап шундаки, у ўзига тегишли ер майдонида оиласи билан пудратчилик асосида тинчгина деҳқончилик қиларди. У ўтган йил баҳорда тузилган шартномага биноан пудратга ажратилган ерга маккажўхори экди. Бироқ кутилмаганда унинг хаёлини банд этган ғараз нияти жиноят йўлига бошлади. У «ҳеч ким кўрмайди, ҳеч ким сезмайди», қабилида даладаги маккажўхори ниҳоллари орасига ҳинд коноплиси ўсимлиги уруғини қадаб қўйди ва уни то маромига етганича парваришлаб турди. Август ойининг охирига келиб, ўсимлик пишиб етилади. Мўминмирзо ундан гиёҳвандлик воситасини тайёрлашга киришди. Елим халтачаларда алоҳида-алоҳида қадоқлаб қўйди-да, мўмай фойдани кута бошлади.

Ҳақиқатан ҳам, кўп ўтмай унинг дарвозасини биринчи мижоз тақиллатди. Уйига 30 ёшлардан ошган аёл кириб келди. Мўминмирзо уни танимади.

— Мўминмирзо ака, зарур иш билан келганман, — деди у ширин жилмайиб. — Уйга кирайлик, айтаман.

Ичкари уйга киргач, аёл дардини айтди:

— Озгина наша керак бўлиб қолди. Эримга олиб боришим лозим. У ёғини ўзингиз биласиз. Қанча сўрасангиз, шуни бераман. Эрим ўзи у ёқларда...

— Майли, тушундим, — деди Мўминмирзо у ёқ-бу ёққа алангланганича. — Қанча пулингиз бор ёнингизда: икки юз граммча топиб беришим мумкин.

Аёл сумкасидаги 90 минг сўм пулни уй эгасига тутқазди.

— Шунга яраша бўлсин. Ахир, унинг ҳар бир грамми ҳам пул-ку!

Орадан бир зум ўтмасдан Мўминмирзо ҳовли ичкарисидаги иккита елим халтачадаги оғуни олиб келиб харидорнинг қўлига тутқазди:

— Ҳеч ким билмасин, опа, — деди у аёл ортидан дарвозани бекитаётиб.

Бироқ у нопок йўл билан топган бир ҳовуч пулни яшириб қўйишга ҳам улгура олмади. Чунки орадан бир неча дақиқа ўтиб-ўтмай яна дарвоза тақиллади. Бу гал унинг уйига мижоз эмас, балки тегишли идоранинг тезкор ходимлари кириб келишди. У жиноят устида қўлга олинди.

Мўминмирзонинг уйида яна 935,6 грамм миқдорида "марихуана" гиёҳванлик моддаси бор экан.

— Мен ўзим гиёҳвандлик воситасини умуман истеъмол қилмайман, — деди тергов жараёнида абланувчи М.Кулов. — Лекин фойда кўриш мақсадида ўзимга тегишли бўлган маккажўхоризорда бир туп наша уруғини экиб парваришлаганман. Охирини ўйламабман, айбдорман.

Албатта, ҳаётда ҳеч бир жиноят изсиз кетмайди. Мўминмирзо ҳам қилмишига яраша жазо олди.

Хулоса ўрнида шуни айтиш керакки, бугунги кунда инсоннинг олдида қўндаланг турган оламшумул муаммолардан бири гиёҳвандликдир. Гиёҳванд моддаларни истеъмол қилувчилар сонининг ортиб бораётгани бу борадаги аҳволни янада танглаштирмоқда. Шундай экан, хўжалик раҳбарлари, маҳалла, қолаверса, участка нозирлари сал сергакроқ бўлганларида гиёҳвандликнинг олди олинган, М.Кулов қамалиб кетмаган бўларди. Бунинг учун ҳар биримиз теварак-атрофга ҳушёр кўз билан боқиб, ёшлар, қўни-қўшнилар, қишлоқдошларнинг юриш-туришидан доимо огоҳ бўлишимиз керак. Шундагина М.Куловга ўхшаганларнинг қалтис қадам ташлашларига йўл қўйилмайди.

Ёрқул УМАРОВ,
"Инсон ва қонун" мухбири

Asr vabosi

КАРНАЙ ОСТИДАГИ ОҒУ

Хоразм вилоятининг Қўшкўпир туманида яшовчи Қурбонбой Раҳимов олтмиш ёшни қоралаб қолган, серфарзанд оиланинг бошлиғи. Нима бўлди-ю, ҳаётий тажрибага эга бу одам кутилмаганда гиёҳвандликка берилди. Бошига тушган фожиаларни рўкач қилганча аламини "героин"дан оладиган бўлди. Аввалига оз-оздан, сўнг эса кунора истеъмол қилмаса, туролмайдиган бўлиб қолди.

Қисқаси, Қурбонбой "героин"нинг гирдобига тушиб қолди.

Ана шундай кунларнинг бирида тақдир тақозоси билан Денов туманига келин бўлиб тушган қизини кўриш ниятида келинининг номида бўлган "Нексия"га ўтириб, йўлга чиқди. Асли нияти эса қизини, невараларини кўриш эмас, балки гиёҳванд модда топиб, нафсини қондириш эди. Қизининг уйида бир неча кун яшаган бўлса-да, бозордан бери келай демади. Гиёҳванд модда билан савдо-сотиқ қилувчи кимсаларни излади. Буни қарангки, топди ҳам. Нотаниш сотувчидан 19 грамм 900 миллиграмм "героин" гиёҳвандлик воситасини харид қилиб қизи яшаётган хонадон томон йўл олди. "Оз-оздан истеъмол қилсам, анчага етади. Қолганига ҳам бир гап бўлар", дея у яна Хоразм томон йўл олди.

Албатта, бу заҳри қотилни Хоразмгача олиб боришнинг ўзи бўлмайди. Қурбонбой ҳам шуни ўйлаб боши қотди. Қинғир йўлларни излади. "Нексия"нинг қаерига яширсам, хавфли жойлардан тинчгина ўтиб кетоламан", деган ўй унинг фикру-хаёлини банд қилиб олди. Охири, ўйлай-ўйлай чорасини топди. "Героин"ни машинанинг орқа ўриндиғи остидаги овоз узатувчи карнайлар ичига яшириб қўйди. Қурбонбой ана шу мақсадда карнайларни ечиб олди-да, унинг остига гиёҳванд воситасини жойлаштирганича, машинада Хоразм томон йўл олди...

"Дарбанд" йўл-патрул хизмати масканига етиб келганида, унинг кўнглидаги хавотирлик баттар ошди. Бу ердаги ходимлар ўз вазифалари бўйича "Нексия"ни обдон текшириб чиқишди. Машина салонига чиқиб олган "Гера" исмли ит ўриндиқ ортидаги карнайга ташланди. Ҳид олган итнинг карнайга ёпишиб, тўхтовсиз аккиллаши йўл-патрул хизмати ходимларининг эътиборини тортди. Карнай остида эса бозордан харид қилинган гиёҳвандлик воситаси елимлаб қўйилганди...

Жиноят ишлари бўйича Сурхондарё вилоят суди гиёҳванд Қурбанбой Раҳимовни узоқ муддатга озодликдан маҳрум этиб, жиноят қуроли сифатида "Нексия" русумли машинани давлат фойдасига мусодара қилди.

Албатта, Қурбонбой бу жазони ўзига-ўзи сотиб олди. У нафсини тийиб, қадамини тўғри босганда бугун оиласи, фарзандлари даврасида хотиржам ўтирарди. Бироқ нафс уни нафақат йўлдан адаштирди, балки юзини ҳам шувит қилди.

Файзи ФАЙЗУЛЛАЕВ,
ҳуқуқшунос
Собир ЁДИКОВ,
"Инсон ва қонун" мухбири

Charxi kajraftor

БУ АЖИБ ДУНЁ...

"УМИДИНГИЗНИ УЗМАНГ..."

"Йўқотган нарсангизга ачинманг ва умидингизни узманг, вақти соати билан, албатта, топилади", деб хабар тарқатди "BBC news" ахборот агентлиги. Чунки швециялик Жулия Вильборг қирқ йил аввал йўқотган ҳамёнини топди. У ҳамёнини қаергадир қўйиб, кейин жойини унутиб қўймаган эди. Аксинча, у қизил чармдан тикилган ҳамёнини 1963 йилда ичидаги тўлов қоғозлари, фотосуратлар ва 45 крон пул билан бирга йўқотиб қўйган эди.

Буни қарангки, орадан қирқ йил ўтган бўлишига қарамасдан ҳамён бус-бутун ва унинг ичидаги нарсалар ҳам тўлиқ сақланган экан. Жулияга ҳамённи почта орқали қайтарган одам ўзининг кимлигини маълум қилишни истамаган.

Маҳаллий газеталардан бирига берган иньтервюсида 58 ёшли Жулия Вильборг шундай дейди:

— Тўғриси, ҳамён йўқотганим ёдимдан ҳам чиқиб кетган экан. Кейин уни ўзим туғилиб ўсган шаҳар четида, велосипедда сайр қилиш учун чиққанимда йўқотиб қўйганимни эсладим.

Энг қизиғи, кейинги қирқ йил мобайнида Жулия ўз турар жойини бер неча маротаба ўзгартирган. У ҳозир Швециянинг Мальме шаҳрида яшайди. Жулияга ҳамённини жўнатган номаълум одам ўзини таништиришни истамаган бўлса ҳам, хатжилд ичига икки энлик мактуб солиб юборган. Ҳожатбарорнинг икки жумладан иборат мактубида қуйидаги сўзлар бор:

"Ҳеч қачон умидни йўқотманг. Мана, сиз қирқ йил олдин йўқотган ҳамён!"

ЖИНОЯТЧИ ҲАМ ИНСОН

Айрим давлатларда жиноят қилганликда шубҳа остига олинган шахсларнинг ўзаро мулоқотларини турли воситалар орқали ўғринча эшитиш мумкинлиги қонун томонидан белгилаб қўйилган.

Лекин Германия конституциявий суди жиноят содир этганликда шубҳа остига олинган шахсларнинг гапларини турли воситалар билан эшитишни ноқонуний, деб топди. Чунки жиноятчи ҳам инсон. Унинг ҳам ҳуқуқлари ҳимояланган. Агар унинг атрофидагилар билан ўзаро муносабати ўғринча эшитиладиган бўлса, бу унинг конституциявий ҳуқуқига дахл қилиш ҳисобланади. Айрим ҳолатларда ўта оғир жиноят содир этганликда гумон қилинаётган шахсларга нисбатан яширин эшитиш воситалари қўлланиши мумкин, деб таъкидланади суд қарорида.

Гумондорларнинг сўзлашувларини эшитиш учун электрон таъқиб чораларини кўришга 1998 йилда канцлер Ҳелмут Кол ҳукумати томонидан қабул қилинган қонунда рухсат берилган эди.

Германия конституциявий суди ушбу қонунни инсон ҳуқуқларига дахл қилиш, деб топди ва уни бекор қилди.

ХУНУК АЁЛЛАР ТАНЛОВИ

Дунёнинг турли бурчакларида ўтказилаётган "Гўзаллик танлови" ҳақида маълумотлар жуда кўп. Хунуклар танлови эса...

Буни қарангки, тиниб-тинчимаган хитойликлар ҳар йили худди шундай танлов ўтказишар экан. Бу танловда ҳайъат томонидан "танлаб" олинган эллик нафар хитойлик хотин-қизлар қатнашишади. Масалан, 2002 йилда Хитойнинг "энг хунук аёл"и "шараф"ига Ли Чванг сазовор бўлган бўлса, 2003 йилда ушбу "мартаба" 26 ёшли Чжанг Дига "насиб" этди.

Бизда "танловда ғолиб бўлдими, демак, у соврин олиши керак", деган фикр ҳам шаклланиб улгурган. Хитойликлар ҳам бу ақидага амал қилишар экан. "Энг хунук аёл" номини олган ғолибага 15 минг АҚШ доллари миқдорида мукофот пули берилади. Зўр-ку, дейсизми? Йўқ. Бу ҳали ҳаммаси эмас. Танлов ғолибаси мукофот пулини олгач, Пекиндаги энг замонавий жарроҳлик клиникасида бепул пластик операция қилдириш ҳуқуқини ҳам қўлга киритади.

Иккинчи йили қарабсизки, "Энг хунук аёл" танловининг ғолибаси "Хитой гўзали" танловида иштирок этадиган даражада хушрўй бўлиб кетади.

ҚАМОҚ УЧУН... НАВБАТ

Биз одамларнинг содир этган жиноятларини яшириш, жазодан қутулиб қолиш учун ҳаракат қилишларига гувоҳ бўлганмиз. Гувоҳ бўлмасак ҳам ана шундай воқеалар ҳақида эшитганмиз. Қаҳрамонлари қамоқдан қочган китобларни ўқиганмиз, фильмларни кўрганмиз. Хуллас, бизнинг онгимизда "жазодан қочиб қутулса бўлади", қабилидаги фикр шаклланган.

Данияда эса бунинг бутунлай акси экан. Бирор қонунни бузиб қўйиб, кичик муддатга қамоқ жазосига ҳукм қилинган ҳуқуқбузарлар "ўтириб чиқиш" учун навбатда туришаркан. Айрим мамлакатларда ҳуқуқ-тартибот идоралари жиноятчининг жазосини енгиллаштириш учун пора олишса, Данияда "ўтириш" учун пора беришаркан.

Ана сизга қонунни ҳурмат қилиш!

Носир РАЖАБОВ тайёрлади

Юзларидан нур ёғилиб турган нуроний кексаларни кўрганда, табиийки, кўнглинг завқ-шавққа тўлади. Қани энди, ҳаммага ҳам шундай кексалик, дили шукроналикка тўла пиру бадавлатлик насиб этса, деб ният қиласан. Бунинг устига халқимизда ана шундай кексалар ҳақида гап кетганда, «фалончи яхши қарибди», деган гап ҳам бор. Ана шу бир оғиз иборадан ҳамма нарсани англаб қолиш мумкин.

Бироқ ҳаётда баъзан қариганида тўғри йўлидан адашган, диёнатидан айрилган кимсалар учраб қолганда, беихтиёр, «афсус» деб юборасиз. Мана шулардан бирининг қилмиши билан танишсангиз, балки фикримизга қўшиларсиз.

БАРБОД БЎЛГАН "РЕКЕТЧИЛИК"

Эргаш Нурматов ёши кексаликка энган пайтда тўғри йўлдан адашди. Яъни 1998 йили 57 ёшида Жиноят кодексининг 164, 248-моддаларини тегишли қисмларига биноан айбланиб, 59-моддага асосан мол-мулки мусодара этилиб, ўзи 16 йилу 6 ой муддатга қамоқ жазосига ҳукм этилди. Фақат Президентимизнинг "Амнистия тўғрисида"ги Фармонига биноан 2002 йил декабрда жазодан муддатидан илгари озод этилди.

Одатда, ёши кексайиб қолган ва бунинг устига эртароқ озодликка чиқарилган киши ўз ҳаёт йўлини тўғрилаб олишни ўйласа керак. Аммо ёши 63 ёшга кирган Эргаш Нурматов одатдагидан ўзгача фикрда эди.

Гап шундаки, у озодликка чиққач, Гулистон туманидаги синглисининг уйида яшаб юрди. Боёвут туманида яшовчи куёвиникига келганда, яна бир ўзига ўхшаб судланган бир киши билан танишиб қолди. Шербўта Алламов 2002 йили Жиноят кодексининг 57-моддасига биноан 59175 сўм жарима жазосига тортилган эди. Иккала "собиқлар" тез тил топишди. Шербўта тандир ясаб сотарди. Эргаш Нурматов уникига тандир ясашда ёрдамлашиш учун келганда Шербўтанинг жияни Шариф Султонов билан чиқишиб қолди. Гўё ҳаммасининг дардлари бирдек экан. Яъни қандай бўлмасин, кўп пул топиш ва муаммоларини пул билан ҳал этиш. Шундан сўнг Эргаш Нурматов анчадан буён кўнглига тугиб юрган муддаосини айтди:

– Бу қишлоқда бирон-бир пулдорроқ одам борми? Кўрқитиб пулини олардик...

– Биттаси бор, банкда ишлайди, – деди Шербўта. – Ёлғиз ўғли бор, уям ишлайди. Пулини қаерга қўйишни билмай юрган бўлса керак. Агар қўрқитсак, кўп пул бериши мумкин.

– Яхши, унда Шарифжонга қоғозқалам бер. Мен айтиб тураман, у ёзади, – деди Эргаш Нурматов.

Тез орада қуйидаги мазмундаги хат тайёр бўлди:

«Жаҳонгир, рекетлар номидан салом... Хуллас, сен билан салом-алик қилмоқчимиз. Бизга 5.000000 сўм пулни айтилган вақтда, айтилган адресга олиб борасан...". Хатда пулнинг кечқурун 8-30 да қаерга қўйилиши ҳам чизиб кўрсатилганди. Конвертга хат билан икки дона милтиқ ўқини ҳам солиб қўйишди. Бу мақсаднинг ўта жиддийлиги рамзи бўлиб хизмат қилиши керак эди.

Эргаш Нурматов белгиланган куни аллақачондан буён бирга яшамаётган хотинининг укасиникига келди. Унинг дарагини эшитган хотини ўғли Қаҳрамонни "отанг келибди, кўриб кел", деб жўнатди. Рости гап, ўғлини кўриб Э.Нурматов қувониб кетди. Кечқурун соат еттидан ўтгач, у ўғлига "Юр, балиқ ушлаб келамиз", деб уни "Гулистон-Янгиер" автомобил йўлини кесиб ўтувчи кичик канал томон бошлади. Буёғини сўрасангиз, банкирдан талаб қилинган пул ҳам шу канал бўйидаги қувур ичига қўйилиши керак эди.

Банкир хатда белгиланган вақтда қувурга пул тўла сумкани ташлаб кетди. Ота-бола эса тунги 12 гача каналга қармоқ ташлаб ўтиришса ҳам биронта балиқ тушмади. Лекин Эргаш Нурматов ўзи ташлаган «тўр»га катта бойлик илинганини аниқ билиб турарди. Фақат "тўрни кўтариб" олишга юраги дов бермасди. У атрофда бегона кишилар бор-йўқлигини обдон кузатди. Охири ўғлининг тоқати тоқ бўлди:

Nafs balosi

– Кетайлик, барибир, балиқ илинмаяпти.

– Майли, мен йўлда кетавераман, сен эса ҳов анови қувур ичидан пул тўла сумкани олиб кел. Фақат у ёқ-бу ёққа қара, бирон шарпа кўринмасин.

– Йўғ-э, мен қўрқаман, қанақа пул ўзи?

– Дадил боравер, пул ўзимизники, агар бирон шарпани сезсанг, сумкани ташлаб, бошқа ёққа қочиб қол. Мен билан ишинг бўлмасин.

Ўғли бориб қувурдан сумкани олиб отаси томон шошди. Бироқ у пистирмадан чиққан кишилар ундан илдамроқ келишаётганини кўрди-ю, сумкани шўразорга отиб юбориб, қочиб қолди. Пистирмадан чиққанлар тўғри Эргаш Нурматовни ушлашди. Эртаси унинг ўғли Мирзаобод туман ички ишлар бўлимига бўйин эгиб келди. Бошқа ҳамтовоқлар ҳам қўлга олинди.

Ўзини "рекетчи" деб атаган гуруҳ шу тариқа тугатилди.

Албатта, айбдорларга қонуний жазо тайинланди.

Бироқ кишини ўйлантирадиган томони шундаки, бу қилмишга бош қўшганларнинг барчаси ёши бор жойга бориб қолган кишилар. Одатда, бундай ёшда киши фарзандларининг орзу-ҳавасини кўради, набиралар бахтидан қувонади. Аммо "қаҳрамонларимиз" ана шундай улуғ бахтдан мосуво. Ўзининг иззатини билган одамга бундан ортиқ жазо йўқ...

Абдували АҲМАТҚУЛОВ,
ҳуқуқшунос
Абдулазиз ЯХШИЛИҚОВ,
"Инсон ва қонун" мухбири

Jinoyat va jazo

ҚАБИҲЛИК

Ёшликдаги орзу-ҳавас уларни Марғилон шаҳрида бир-бирига рўбарў келтирди. Бир-бирига ёндош туманларда туғилиб, ўша ердаги ўрта мактабларни битирган қизлар Марғилон шаҳридаги педагогика билим юртига ўқишга келишди. Омадлари чопиб, қизлар талабалик бахтига муяссар бўлишди. Улар ҳар шанба дарсдан кейин уйларига бирга қайтишар эди. Марғилондан Қўқон шаҳригача автобуснинг бир ўриндиғида ёнма-ён ўтириб кетишарди. Улар бир-бири билан шу даражада иноқ ва аҳил бўлиб кетишдики, охир-оқибат бир-бирларининг уйларига меҳмондорчиликка ҳам боришди. Шу тариқа улар ёшликнинг масрур дамларини бирга ўтказишди. Кўп ўтмай талабалик дамлари ҳам ортда қолди.

Хайрлашиш чоғида дугоналар учрашиб, бир-бирининг ҳолидан хабарлашиб туришга келишишди.

Ана шу аҳдлашувга биноан Клара дугонаси Инобатни тез-тез йўқлаб турди.

– Дугоналаринг орасида Клара менга жуда ёқади-да, – деди кунларнинг бирида Инобатнинг онаси Марҳамат опа, – Чунки у оқибатли қиз.

Шундан сўнг Клара нафақат дугонаси, балки Марҳамат опа билан ҳам ўзаро борди-келдини канда қилмади. Шу тарзда йиллар бир-бирини елдек қувиб ўтаверди. Бу орада Инобат турмушга чиқиб, ували-жували бўлиб кетди. Бироқ Кларанинг бахти очилмади. У ҳамон сўққабош эди. Шу боис у тез-тез Марҳамат опанинг уйига келиб, дардлашиб кетар эди.

Клара ўтган йилнинг 13-15 феврал кунлари ҳам Марҳамат опанинг уйига ме4мондорчиликка келади. Марҳамат опа ўзи қўл учида яшаса-да, дастурхонга топган-тутганини қўйиб, меҳмонга иззат-икром кўрсатади. Клара 15 феврал куни Қўқонда яшаётган қариндошиникига кетади. Орадан икки кун ўтиб, 17 феврал куни Клара яна Яйпан шаҳрига келади. Уйда икки аёлдан ташқари икки ёшга тўлмаган Рухсора ҳам бор эди. У Марҳамат опанинг набираси эди.

– Онасига бериб юбормайсизми? – деди меҳмон аёл қизалоқнинг хархашаларидан тоқатитоқ бўлиб, – онасини катта қилганингиз етар!

– Болали уй – бозор, – деди Марҳамат опа, – менга эрмак. Куну-тун ёнимда. Усиз зерикиб қоламан.

«Элакка чиққан аёлнинг эллик оғиз гапи бор» деганларидек, икки аёлнинг ўзаро суҳбати чўзилгандан-чўзилади. Тун ярмидан оққанда ёстиққа бош қўйишди. Бироқ Кларанинг кўзларига уйқу келмади. Чунки унинг кўнглида қабиҳ ният уйғонган эди. Мезбоннинг ширин уйқуга кетганини кўрган Клара даҳшатли ишга қўл урди — олдиндан мўлжаллаб қўйган усулда аёлнинг жонига қасд қилди.

Марҳамат опа жон таслим қилгач, қотил жами йигирма минг сўмлик майда-чуйдаларни сумкасига жойлади. Клара ҳатто аёллар пайпоғи ва қош бўяйдиган қаламни ҳам унутмади. Ўзининг қабиҳ мақсадига эришган қотил тонгни дераза ёнида туриб қарши олди. Эртаси саҳарда эшикни ташқаридан қулфлаб, калитни эса ахлатхонага улоқтириб юборди. Ўзи эса ғира-ширада кўздан ғойиб бўлди. Шу алфозда уй ичида қолган норасида Рухсора ҳам қаровсизликдан бу ёруғ дунёни эрта тарк этди.

Албатта, орадан кўп ўтмай Клара Эрматова томонидан содир этилган жиноят фош этилди. Мазкур жиноий иш юзасидан жиноят ишлари бўйича Фарғона вилоят судида суд мажлиси бўлиб ўтди. Суд ҳайъати жиноят иши юзасидан тўпланган ашёвий далиллар, холис гувоҳлар ва судланувчи, жабрланувчиларнинг кўрсатмаларига асосан Клара Эрматовани узоқ муддатга озодликдан маҳрум этиш тўғрисида ҳал қилув қарори чиқарди.

Қотил қилмишига яраша қонуний жазо олди. Лекин уни икки нафар бегуноҳ инсоннинг безовта руҳи тинч қўярмикан?

Исломжон НУРАЛИЕВ,
ҳуқуқшунос
Маъмур МУСУЛМОНОВ,
"Инсон ва қонун" мухбири

ИНСОН ва ҚОНУН
МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
1996 йилнинг январидан нашр этилади
2003 йил 29 декабрда Ўзбекистон Матбуот ва Ахборот агентлигида 078-рақам билан рўйхатга олинган
Бош муҳаррир: Шодиқул ҲАМРОЕВ
ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Ихтиёр АБДУЛЛАЕВ, Сайфиддин РАҲИМОВ, Бўритош МУСТАФОЕВ, Ғафур АБДУМАЖИДОВ, Пўлат САМАТОВ, Ислом ҲАМРО, Хуршид СОДИҚОВ, Холли НОРБОЙ, Эркин ҚУДРАТОВ, Нормейли НОРПЎЛАТОВ
Таҳририятга юборилган қўлёзмалар эгаларига қайтарилмайди ва уларга ёзма жавоб берилмайди. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин.
Факт ва далиллар тўғрилиги учун масъулият муаллифлар зиммасидадир.
Саҳифаловчи-дизайнер: Жаъфар ЖАББОРОВ
Навбатчи: Бобомурод РАЙИМОВ
Индекс: 646882
«ИНСОН ВА ҚОНУН» газетаси таҳририяти компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А-2 бичимда, 2 босма табоқ ҳажмда, офсет усулида «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси 41-уй. Буюртма Г-219. Тиражи — 7.000. Босишга топшириш вақти — 21.00 Топширилди — 22.30
МАНЗИЛИМИЗ: 700047, Тошкент ш. Сайилгоҳ кўчаси-5. Тел: 133-70-65, 133-84-50